O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 4-aprel, chorshanba ✷ № 15 (767) ✷ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✷ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✷ www.uzhurriyat.uz

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МОДЕЛИ

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон танлаган тараққиётнинг конституциявий модели мамлакат ривожланишида ягона тўғри модель эканлиги амалда ўз ифодасини топмоқда.



⇨ 2-бет

## «СОМОН ЙЎЛИ»ДА ҲАЁТ БЕЛГИЛАРИ БОРМИ?

Галактикамизнинг Сомон йўлида ҳаёт учун қулай иқлим бўлган миллиардлаб сайёралар мавжудлиги ҳақида Гренобль Планетология ва астрофизика институти ходимлари хабар тарқатди.

Астрономлар «қизил миттилар» деб ном олган кичик юлдузларни ўрганиб чиқиб шундай хулосага келдилар.



⇨ 5-бет

## ТЕМУРИЙЛАР ҚУДРАТИ — УЛАРНИНГ ОИЛАСИДА ЭДИ

Агар бундай оламшумул музаффариятнинг сабаби нима, деган савол қўйилádиган бўлса, жавоби аниқ: оила. Ҳеч муболағасиз, Соҳибқирон кўз очган, сўнгра фарзандлари дунёга келган, ундан сўнг набиралар ва бошқа зурриёдлар туғилган бешик, яъни оила чинакамига муқаддас бўлган.



⇨ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✷ **28 март куни пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида “Bazar Art. Баҳор - 2012” кўргазма-ярмаркаси иш бошлади. Мазкур анъанавий тадбир “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталарининг “Ijod” уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

✷ 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Жеймс Мэттисни қабул қилди. Учрашувда минтақадаги мавжуд вазият, Афғонистон муаммосини ҳал қилиш, шунингдек, ўзаро муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтириш борасида томонларни қизиқтирган масалалар, жумладан, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

✷ **31 март куни “Туркистон” санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида ўтказилган “Ташаббус - 2012” республика кўрик-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

✷ 3 апрель куни Вазирлар Маҳкамасида Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 мартда қабул қилинган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси - ахборот-ресурс маркази фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.



«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

## Замонавий технологиялар асосида



Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги «Альциона Ходжейли» хусусий корхонаси истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга фаол ҳисса қўшиб келмоқда.

Корхонада турли хилдаги нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. 8 киши бандлиги таъминланган корхонанинг замонавий технологиялари иш сифат ва самарадорлигида муҳим аҳамият касб этаётир.

Суратда: *(чапдан) ишчилар Юлдуз Шомуротова ва Зубайда Алламуротова.*

**Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат**

✓ **Семинар**

## Ёшлар камолотида ОАВнинг ўрни

Куни кеча «Ўзбекистон» меҳмонхонаси анжуманлар залида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида «Ёшларнинг маънавияти ва билим даражасини оширишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Юртимизда ёшларни баркамол ва ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, бу ҳукуматимиз томонидан ёшлар сиёсати борасида олиб борилаётган чуқур ўйланган ва тизимли ислоҳотлар самарасидир. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилган.

Қонунга кўра, ёшлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобланади.

2 »

**Шерзод ҒУЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси**

✓ **Диққат: танлов!**

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшаётган ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш учун зарур шарт-шароит яратиш ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида

## Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб **«Ватан ягонадир, Ватан биттадир»** номли танлов эълон қилади.

Танловда 30 ёшгача бўлган ижодкорлар она Ватан тараннуми, юртимиздаги бунёдкорлик ишлари ҳамда ёшлик ва юртга садоқатни мадҳ этувчи шеърлар, ҳикоялар ва бадиий-публицистик мақолалари билан иштирок этишлари мумкин.

Ижод намуналари матни 2 нусхада, компьютерда 1,5 интервалда терилган ҳолда тақдим этилади;

Юборилган ишларга иштирокчининг ўзи ҳақидаги таржимаи ҳоли, 10x15 ҳажмдаги 2 дона фотосурати ҳамда қўлёзманинг электрон шакли (компакт-дискда) илова қилинади;

*Танловга юборилган ишлар 2012 йилнинг 31 майига қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ёшлар билан ишлаш бўлимида қабул қилинади. (Манзил: «Ўзбекистон» кўчаси, 16 А уй, 6-қават. Тел.:8 371 227-08-31)*

Иштирокчиларнинг ижод намуналари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги Ижодий кенгашлар томонидан баҳоланади. Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва ёзма тақриз берилмайди.

*Танлов ғолиблари мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги байрами арафасида тақдирланади, уларга диплом ва пул мукофотлари тантанали равишда топширилади.*
*Ғолиблар қуйидаги тартибда аниқланади:*

**1 та биринчи ўрин** — диплом ва энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорда пул мукофоти;

**2 та иккинчи ўрин** — ҳар бирига диплом ва энг кам иш ҳақининг 15 баравари миқдорида пул мукофоти;

**3 та учинчи ўрин** — ҳар бирига диплом ва энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида пул мукофоти;

**5 та рағбатлантирувчи мукофот** — ҳар бирига диплом ва энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида пул мукофоти.

Шунингдек, танлов ғолибларининг ижод намуналари мустақиллигимиз байрами арафасида тўплам ҳолида нашр этилади.

***Ташкилий қўмита***

Мамлакатимиз ҳаётида бири биридан муҳим, долзарб вазифалар оз эмас. Шунга қарамай, давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йилнинг айнан “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши юртимизда инсон манфаати энг олий қадрият эканининг, оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи деб қабул қилинганининг ўзига хос исботи бўлди. Зотан, кўп марта таъкидланганидек, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир. “Мустаҳкам оила йили” муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурининг мазмун-моҳиятида ана шундай тушунча ўз аксини топган.

## Мустаҳкам оила – юрт кўрки ва таянчи



Дастурда белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги ишлар тобора ривож топиб бормоқда. Бу жараёнда албатта, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳам ўз ўрни бор.

Бугунги глобаллашув замони оммавий ахборот воситалари ходимлари олдига бир қатор ўта долзарб вазифаларни қўймоқда. Ҳозирги кунда миллий матбуотимиз янада фаол бўлиши, халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан, миллий тафаккуримизга ёт иллатлардан ҳимоя қилиши, маънавий ҳаётимиз ва муқаддас қадриятларимизнинг мустаҳкам ҳимоячисига айланиши лозим.

4 »

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги олдидан

# Ўзбекистоннинг ўз конституциявий модели

**Ҳуқуқий давлатчилик сари интилган ҳар қандай демократик жамиятда Конституция устувор аҳамият касб этади. Жамиятнинг нафақат сиёсий тизимида, балки иқтисодий инфратузилмасида ҳам туб ўзгаришлар юз бераётган ислоҳотлар даврида Конституциянинг аҳамияти янада ошади. Фақат давр талабларига жавоб берадиган Конституциягина йирик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар самарадорлиги учун зарур бўлган динамизм ва барқарорлик уйғунлигини таъминлаб бера олади.**

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ҳуқуқ тарихига жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг конституциявий дунёқарашида, давлат тузумида чуқур сифат ўзгаришлар юз берган давр бўлиб кирди. Дунё янги конституциявий даврга қадам қўйди. Бу даврнинг хусусиятлари, биринчидан, давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳуқуқий жараёнлар интеграцияси ва ҳамкорлигининг кучайиши, ягона сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий маконнинг шаклланиши, ягона халқаро нормалар, қоидалар ва стандартларга ўтилиши, иккинчидан, социалистик лагерь ва тоталитар тузумларнинг барҳам топиши натижасида жаҳон конституциявий харитасида янги мустақил давлатлар конституцияларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу янги шаклланган суверен давлатлар ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини конституциявий қайта қуриш ва ислоҳ қилиш муаммолари соф миллий доирадан чиқиб, умумбашарий тус олганидан далолат беради.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқда биринчилардан бўлиб ҳақиқий суверенитетга эришиш мақсадини эълон қилганлиги, президентлик бошқарув шаклини жорий этганлиги, давлат рамзлари бўйича комиссия тузганлиги, мустақиллик тўғрисидаги декларацияни қабул қилганлиги, Конституциявий комиссия тузиб, ўз Конституциясини ишлаб чиққанлиги билан ана шу даврда яққол ўзлигини намоён эта олди. Шундай қилиб, давлат мустақиллигига эришилгач, янги суверен давлат мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш, ўзининг сиёсий ва ҳуқуқий ривожланиш йўлини белгилаб олиш, янги жамият қуриш, янгиланиш ва тараққиётнинг ўз конституциявий моделини ишлаб чиқиш сари дадил қадам қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлатимиз ўзининг ривожланиш йўлини конституциявий асосда белгилаб олиши зарурлигини бир неча бор таъкидлаб: **"Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ"** деган эди. Конституциямиз асосини эса Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган "ўзбек модели"нинг беш асосий тамойили ташкил этди.

Ўзбекистоннинг конституциявий ҳуқуқи бу — Конституция ва қонунларда ўз ифодасини топган конституциявий ғоялар ва концепциялар, конституциявий принциплар, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи соҳада амал этадиган декларациялар, шартномалар туридаги ҳуқуқий ҳужжатлар, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларининг ҳужжатларидир. Конституциявий ҳуқуқ мазмунига бундай ёндашиш ҳуқуқ ва қонунни аниқроқ фарқлаш, шунингдек, ҳуқуқнинг мазкур етакчи тармоғини таркиблаштириш имконини беради.

Халқимизга янги мустақил давлатимизнинг хусусияти, ички ва ташқи сиёсатининг асосий принциплари, умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, давлат мустақиллиги принципларига, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига содиқлик акс этган Конституция керак эди.

Янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги ғоя 1990 йил март ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг биринчи сессиясидаёқ илгари сурилди. Олий Кенгашнинг 1990 йил 20 июнда эълон қилинган Суверинитет тўғрисидаги декларациясида ушбу ҳужжат республиканинг янги Конституциясини ишлаб чиқишга асос бўлиши таъкидланди. Ўша куниёқ Олий Кенгаш Президент бошчилигида Конституциявий комиссияни тузди.

1991 йил 31 августда давлат мустақиллигига эришилди ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинди. Унда белгиланган қоидалар амалиётда синовдан ўтди, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Конституциясинииг лойиҳасига киритилди. Ушбу қоидалар давлатимиз раҳбари ифодалаб берган ғоя ва принципларни мустаҳкамлади.

Тарихий аҳамиятга кўра, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси тайёрланиши ва қабул қилиниши билан боғлиқ қуйидаги хусусиятларни алоҳида таъкидлаш жоиз:

— **биринчи хусусият**: Конституциянинг ғоялари ва нормалари ўзбек халқининг чуқур тарихи негизларига асосланади, у буюк аждодларимизнинг кўп асрлик тажрибаси ва маънавий қадриятлари, бой тарихий ҳуқуқий меросига таянади;

— **иккинчи хусусият:** Конституция ижобий ва илғор жаҳон конституциявий тажрибасини ҳисобга олган;

— **учинчи хусусият**: бошқа демократик конституциялар каби халқаро стандартларга асосланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмига асосланган.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш билан боғлиқ барча ишлар Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилди. Конституциявий комиссия иш бошлаши билан Юртбошимиз мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини муносиб равишда акс эттирадиган, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, жаҳон тажрибасини, демократия ва энг ривожланган мамлакатлар конституциявий қонунчилиги эришган ютуқларни инобатга оладиган Асосий Қонун лойиҳасини тайёрлашга раҳбарлик қилди. Лойиҳани тайёрлаш жараёнида Осиё, Европа, Африка, Америка мамлакатларининг конституциялари батафсил ўрганилди, у Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳужжатларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Конституциявий комиссия аъзоси академик Ш.Уразаев ўзининг «Народное слово» газетасининг 1992 йил 26 декабрь сонидаги «Как готовился проект Конституции Республики Узбекистан» деб номланган мақоласида: "Конституциявий комиссиянинг раиси лойиҳанинг ҳар бир тафсилотига эътибор берар, унга ўз қўли билан тузатишлар ва аниқликлар киритарди", деб ёзганида томомила ҳақ эди.

Юртбошимиз Асосий Қонунимиз лойиҳасига киритган аниқликлар, тузатиш ва қўшимчаларнинг ҳаммаси, аввало, халқ манфаатига (хусусан, аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг маданий ёдгорликларни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги моддалар билан тўлдирилиши), Конституциянинг инсон ва фуқаролар эркинликлари, бурчларини қонуний мустаҳкамловчи моддаларига қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этди. Комиссия раиси Конституция лойиҳаси биринчи марта эълон қилингунча тўрт марта, кейинги эълон қилингунича эса яна икки марта таҳрир қилди. Фуқароларнинг аниқ таклифлари ва мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб, Олий Кенгаш сессиясидан аввал лойиҳани яна бир бор кўриб чиқди. Хуллас, Конституция лойиҳаси давлатимиз раҳбари етти марта текшириб чиққанидан кейингина республика Олий Кенгашининг сессиясига сўнгги муҳокама учун тақдим этилди.

Конституциявий комиссия раисининг қаттиқ туриб ҳимоя қилган нуқтаи назари кўп ойлик изланишларнинг давлат ва сиёсат соҳасида тўпланган тажриба натижаси бўлди. Ислом Каримовнинг Конституцияда ўз аксини топган ғоялари унинг 1992 йил ёзида чоп этилган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида ифодалаб берилди: **"Мустақил Ўзбекистон биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бу Асосий Қонун томонидан ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинади. Умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам маънавий маконни яратиш мумкин эмас. Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўлларини очиб беради".** Ушбу асар Конституция лойиҳасини тайёрлашга асос бўлди.

Ҳақиқатан ҳам Президент Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон Конституциясининг ташаббускори, рағбатлантирувчиси ва асосий муаллифидир.

"Дарҳақиқат, — деб ёзади таниқли мутахассис профессор Л.Левитин, — Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд. Шахснинг мустақиллиги, ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланган ҳукумат сингари ва кўплаб бошқа демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади. Узоқ йиллар давомида тоталитар-мустабид тартиботнинг хомхаёл — демократик ниқоби бўлиб келган турли кўринишдаги "шўрочиликлар" барҳам топтирилган".

1992 йил 8 сентябрда Конституциявий комиссия бажарилган ишни асосан маъқуллади ва Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон килишга қарор қилди. Ушбу йиғилишда лойиҳани охирига етказиш ва таҳрир қилиш учун ишчи гуруҳи тузилди. 1992 йил 26 сентябрда эса Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

Асосий Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг тус олди. Муҳокама 1992 йил сентябрь ойи охиридан декабрь бошларигача фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ижодий кўтаринкилиги руҳида ўтди ҳамда Ўзбекистонда демократия ривожининг самарали амалий мактаби бўлди. Унда мамлакатимиз катта ёшдаги аҳолисининг деярли ҳаммаси иштирок этди. Матбуотда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда қизғин баҳс-мунозаралар бўлди, кўплаб учрашувлар ўтказилди, Конституция лойиҳасига доир масалалар бўйича суҳбатлар, анжуманлар ташкил қилинди.

Лойиҳа эълон қилингач, Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган беш мингдан зиёд хат ва таклифлар келиб тушди. Конституция лойиҳаси ўтказилган муҳокамани инобатга олган ҳолда анча тузатилди, қайта ишланди ва 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун газеталарда қайта чоп этилди.

Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент — икки босқичли умумхалқ муҳокамаси юз берди. Ушбу ҳолат муҳокама иштирокчиларини фаоллаштириш учун қудратли рағбат вазифасини бажарди. Бунинг натижасида умумхалқ фикр алмашуви янгича тус олди. Мазкур акциянинг маъноси шундан иборат эдики, фуқаролар Конституциянинг қайта ишланган вариантида Конституция лойиҳасини муҳокама қилишдаги ўз иштироклари натижасини кўра олдилар. Унда кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ўз ифодасини топди. Фуқаролар Конституциявий комиссия уларнинг овози эшитилганлигига, таклифлари тегишли равишда кўриб чиқилиб, инобатга олинганлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Конституция лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши каби нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда АҚШ, Буюк Британия, Франция каби демократик давлатлар мутахассисларининг синчков экспертизасидан ўтди.

Конституциявий комиссия хорижий конституциявий тажрибага мурожаат қилиб, Асосий Қонуннинг ролини яхлит тушунишдан келиб чиқди. Жаҳон конституциявий тажрибаси Ўзбекистон Конституциясида қуйидалар орқали ҳисобга олинди:

— **биринчидан,** республика бошқарув шакли орқали — бевосита халқ бошқарувининг шаклларидан бири сифатида;

— **иккинчидан,** конституциявий тартибга солишнинг классик принциплари — ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлик, Конституциянинг барқарорлиги орқали;

— **учинчидан,** Конституция матнини муқаддима ва бўлимлар, боблар ва моддалар бўйича тақсимлаш ҳамда уларни мантиқий жойлаштириш;

— **тўртинчидан,** мазмунининг қисқалиги — реал давлат ва ижтимоий ҳаётни чеклаб қўядиган ортиқча қоидаларга йўл қўймаслик мақсадида Конституцияда келажакда қабул қилинадиган қонунларга оид ҳаволалар йўқлиги ҳам шу мақсад билан боғлиқ;

— **бешинчидан,** мафкураштиришдан воз кечиш, яъни бир мафкура ҳукмронлигидан воз кечиш; фикр, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги;

— **олтинчидан,** конституциявий кафолатлар — Конституция устуворлиги, Конституциявий суд тузилиши, Асосий Қонунга ўзгартиш киритишнинг алоҳида тартиби.

Конституция лойихасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаш ҳамда жуда бой материал тўплаш имконини берди. Ушбу материал чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди.

Ислом Каримов сессияда Конституцияни **«халқчил қомус»** деб атаб, унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишлангани, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтганлиги ва шу вакт мобайнида у халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилганлигини, сайқал топганлигини алоҳида таъкидлади.

Сессияда Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгартишлар, қўшимчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди. Уларнинг айримлари муҳим аҳамиятга эга эди.

Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёни Ислом Каримовнинг **«Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома»** бўлганлиги, у **«халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини»** акс эттириши, унинг **«халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули»** эканлиги ҳақидаги хулосасининг тўғрилиги ва асосланганлигини тасдиқлади.

Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи бўйича россиялик мутахассис А.Якушевнинг эътироф этишича, "Ўзбекистоннинг Конституцияси собиқ иттифоқдош давлатлар конституциялари орасида биринчи эди (бошқа барча МДҲ давлатлари ва Болтиқбўйи давлатларида конституциялар кейинроқ, яъни 1992-1996 йилларда қабул қилинган — **А.С**.). Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституцияси ўзбек жамияти ва давлатининг барча энг муҳим соҳаларини тартибга солади, қисқалиги ва аниқ ифодалангалиги, шунингдек, ўзига хос тузилиши билан ажралиб туради".

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон танлаган тараққиётнинг конституциявий модели мамлакат ривожланишида ягона тўғри модель эканлиги амалда ўз ифодасини топмоқда.

**Акмал САИДОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор**

## Ёшлар камолотида ОАВнинг ўрни

*(Бошланиши 1-бетда.)*

Семинарда таълим тизимини ислоҳ этиш борасида юртимизда улкан ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференцияда бу хорижий экспертлар томонидан юксак баҳоланганлиги, айниқса, юртимиздаги 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик мажбурий бепул ўқув тизими ҳамда таълимнинг 7 та тилда олиб борилиши эътироф қилингани қайд этилди. Шунингдек, болаларни мактабда ўқишга мақсадли ва тизимли тайёрлаш, миллий, умуминсоний қадриятлар билан таништириш, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш ҳамда саломатлигини мустаҳкамлашда мактабгача таълимнинг ўрни ва умумий ўрта таълимнинг аҳамияти масалалари кўриб чиқилди.

Семинарда таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни ижросини бажариш мақсадида Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан қатор меъёрий ҳужжатлар, дастурлар қабул қилиниб, ахборот тармоғини шакллантириш, ахборот ресурсларини яратиш ва АКТни таълим жараёнида қўллаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, барча ўқув юртлари веб-сайтлари ахборот-таълим порталига бирлаштирилишига, ўқув қўлланма ва маъруза матнлари электрон-таълим базасида жойлаштирилишига эришилиб, «ZiyoNET» ахборот таълим тармоғининг ресурслари яратилди.

Иштирокчилар таъкидлаганидек, бугун ахборот оламида интернет даври келди. Интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари тез суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бораётир. Бундай ахборот воситаларига асосан ёшларнинг жуда катта қизиқиш билан қараши ва улардан кенг фойдаланиши ҳисобга олинадиган бўлса, бу масаланинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканлигидан, глобаллашув даврида ёшларни турли кўринишдаги ахборот хуружларидан ҳимоялаш зарурлигидан далолат беради.

Семинар мобайнида журналистлар юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати, ёшлар учун ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ташкилий шарт-шароит ва кафолатлар яратиш бўйича мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлар саъй-ҳаракатини бирлаштириш, ёшлар ҳаракатлари ва бирлашмалари фаолиятини ривожлантириш масалалари юзасидан тегишли маълумотлар олдилар, соҳа мутахассислари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамладилар. Тадбир сўнггида мазкур масалаларни ёритишда ОАВ олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилиб, ушбу йўналиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Лола УСМОНОВА,**
**Мирзо Улуғбек туманидаги 112-мактаб ўқитувчиси**

Олис қишлоқ садоси

## Содиқ дўхтир



Янгиқўрғонда Содиқ Назаровни кўпчилик яхши танийди. У ҳар куни қадрдон устози, кўп йиллар тиббиёт соҳасида ишлаб эл соғлиғи учун хизмати сингган, айни пайтда нафақа гаштини сураётган отаси Дағар Назаровнинг ҳузурига келиб, ҳол-аҳволини сўраб, беморларга қилаётган муолажалари ҳақида фикрлашиб, дуосини олгач, ишга отланади.

...Ота дуосини олган фельдшер бугун ҳам яхши кайфият билан «Тепақўрғон» эмлаш пунктига кириб келди-да, ҳамшира Феруза Ҳамроевага юзланди:

— Ёш болаларни вирусли гепатитга қарши эмлашни тезроқ тугаллашимиз керак. Ҳамма хонадонларга чақирув қоғози тарқатилдими? Қишлоқ катта, аҳоли зич, биронта бола эмлашдан четда қолмасин.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, Содиқ ака. Ҳамшира Комила Умарова билан барча хонадонларга бирма-бир кириб, чақирув қоғозларини тарқатиб чиқдик. Бугун-эрта эмлашни тўлиқ ниҳоясига етказамиз.

— Раҳмат, тадбирни ўз вақтида якунласак, беморларни куттириб қўймай, дардига дармон бўлсак, бу — бизнинг ютуғимиз.

Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Ибн Сино номли қишлоқ врачлик пунктига қарашли «Тепақўрғон» эмлаш пунктида ўн бир йилдан буён фаолият юритаётган Содиқ Назаровга каттакичик ҳурмат билан «Содиқ дўхтир» деб мурожаат қилишади.

1994 йил Самарқанд шаҳридаги тиббиёт билим юртининг фельдшерлик-акушерлик бўлимини тугатган Содиқжон устозлари Маннон Раҳматов, Мурод Жаводов ва Дилбар Омоновалардан олган билимларга таяниб кам бўлмади.

Туман марказий шифохонасининг ўша пайтдаги бош шифокори шундай деганди:

— Отангни туманда кўпчилик танийди, яхши фельдшер, меҳнат фахрийси. Шуни инобатга олиб, бир-икки ой синов шарти билан ишга қабул қиламан. Қаерга юборсам, ўша жойда ишлайсан. Меҳнат интизомига, иш маромига қатъий риоя қиласан.

Устозлари ишончини оқлаш имкони берилган Содиқ учун энг бахтиёр ва унутилмас кунлар бошланганди ўшанда. Уни Мўғулкент қишлоғида жойлашган фельдшерлик-акушерлик пункти мудири Али Бўроновга ёрдамчи этиб тайинлашганди. Ёш, ўз касбини дилдан севган Содиқ Назаров тезда янги иш жойида ўз ўрнини топди, меҳрли кўзи, ширин сўзи билан қишлоқ аҳли ўртасида танилди. Устозлари Носир Камолов, Али Бўроновлардан тиббиёт сирларини ўрганди. Кўп ўтмай, «Содиқ дўхтир» деган ном олди. Тепақўрғон қишлоғидаги эмлаш пунктида ўз касбини улуғлаб келмоқда.

**Жўшқин ДАВУРОВ**

Фаолият

# Меҳнаткашлар ҳуқуқи ва саломатлиги доимий эътиборда

**Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизни демократик янгилаш, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Табиийки, ушбу жараёнларда 7 миллионга яқин аъзони бирлаштирган касаба уюшмаларининг ҳам фаол иштироки бор. Ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларининг ҳимояси, саломатлигини муҳофазалаш маданий-маърифий ҳордиқ чиқаришларига кўмаклашиш мазкур ташкилот фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.**



Бугунги кунда касаба уюшмалари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишга кўмаклашишга қаратилган тизимли фаолият йўлга қўйилган. Шу мақсадда 2011 йилда 14 та ҳудудий бирлашма ва 11 та тармоқ Марказий кенгашида фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳат тизими жорий этилди. Ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси йўналишидаги ишлар самарадорлигини ошириш учун Федерация кенгаши ҳамда ҳудудий касаба уюшма ташкилотларида юридик хизмат бўлими ва «Ишонч» телефонлари ташкил этилганини эришилган катта ютуқлардан бири, деб баҳолаш мумкин.

— Жамоатчилик назорати тартибида ўтган йили 7582 та корхона ва ташкилотда ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, хусусан, уларга қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилганлиги ўрганиб чиқилди, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Норбоева яқинда Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида. — Аниқланган камчиликларнинг аксарияти бартараф этилишига эришилганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Тегишли корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар махсус кийим-бош ва пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, сут ёки унга тенглаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари, гигиена воситалари билан таъминланмоқда. Ходимларнинг меҳнат муҳофазасини кучайтириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида корхона ва ташкилотларнинг жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича режалаштирилган 309 мингта чора-тадбирни амалга ошириш учун 93 миллиард 500 миллион сўм сарфланди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича ҳам чоралар амалга оширилмоқда. Бу йил 516 минг ўқувчи лицей ва коллежларни битиради. Албатта, уларнинг маълум қисми олий ўқув юртларида таълимни давом этиради. Аммо қолган қисмини иш билан таъминлаш, катта ҳаёт остонасида қоқилмасликлари учун кўмаклашиш зарур ва шарт. Шу боис, корхоналарда «Устоз-шогирд» анъаналари самарасини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш амалиёти даврида 2500 нафарга яқин ўқувчи ва 600 дан зиёд коллеж битирувчисига 50 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Жорий йилда бу кўламни янада ошириш режалаштирилган.

Соҳа тараққиётини ўйлаб, қонун ижодкорлиги борасида амалга оширилаётган ишлар қамрови ҳам ортиб бораётир. Масалан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида касаба уюшмалари фаол иштирок этиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилди. Шунингдек, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ваколатли давлат органига тақдим этилди.

Ишчи-ходимларнинг маданий дам олишлари, таътилларини кўнгилли ўтказишлари ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Бугунги кунда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизимида 15 та санаторий фаолияти ана шу мақсадларга қаратилган. Уларнинг барчасида замон талабига жавоб берадиган даволаш-ташхис базаси (функционал ташхис хоналари, клиник ва биокимёвий лабораториялар, ультратовуш текшируви, рентген ва бошқа ташхис хоналари) мавжуд. Санаторийларда ҳар йили 90 минг нафарга яқин меҳнаткаш ҳордиқ чиқариб, ўз саломатлигини тиклаш имкониятига эга бўлмоқда.

Ўтган йили касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга меҳнаткашлар учун йўлланмалар ажратиш муддати 5 йилдан 3 йилга қисқартирилди. Бошланғич ташкилотларнинг молиявий имкониятлари яхшиланиши натижасида ҳар йили қўшимча равишда 10 минг нафар меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш имкони яратилди. Шунингдек, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда янги йўналиш — фертил ёшидаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш ишлари йўлга қўйилди. Бунда асосий эътибор қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аёлларни соғломлаштириш қамровини кенгайтиришга қаратилган.

Жорий — Мустаҳкам оила йилида ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширади.

**Иномжон АБДИЕВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

Тантана



Тантана

# Курсантларга дипломлар топширилди

**Ички ишлар идораларида сержантларни хизматга тайёрлаш, жанговар шайлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2004 йил 19 июлдаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида Ички ишлар идоралари учун мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил этилгани фикримиз тасдиғидир.**

Ҳозирги кунда мазкур курслар томонидан ички ишлар идоралари хизматига ҳар томонлама етук, мард ва ватанпарвар кадрларни тарбиялаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 31 март куни ИИВ Академиясининг саф майдонида Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар курсантларининг навбатдаги битирувига бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов, вазирлик бош бошқармалари бошлиқлари, Академия раҳбарияти ҳамда тантанага таклиф қилинган меҳмонлар минбарга кўтарилдилар. Шундан сўнг олий курслар бошлиғи, полковник С.Тангирбердиев битирувчилар тантанали маросимга сафланганлиги ҳақида ахборот берди.

Тадбирни Академия бошлиғи, полковник Ш.Икрамов очди ва ушбу таълим муассасасида курсантлар тажрибали мураббийлар раҳбарлигида чуқур билим олиб, танланган мутахассисликларининг сир-асрорларини пухта ўзлаштирганликларини қайд этди, улар ИИВ Академияси Олий курсларининг битирувчиси деган юксак номни оқлаб, Ватан олдидаги бурчларини шараф билан адо этишларига ишонч билдирди. Шундан сўнг курсантларга дипломлар топширилди.

Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Б.Матлюбов битирувчиларни ҳаётидаги унутилмас воқеа билан табриклар экан, ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиси касби учун метин ирода, юксак масъулият, юқори малака талаб қилинишини таъкидлаб ўтди. У битирувчиларнинг Олий курсларда олган билимларидан ўз касбий фаолияти жараёнида самарали фойдаланишларига, хизмат бурчини намунали бажаришларига ишонч билдирди.

Битирувчиларни ота-оналар номидан М.Исмоилов, таълим муассасаси ўқитувчилар таркиби номидан Олий курслар гуманитар ва ижтимоий-ҳуқуқий фанлар цикли бошлиғининг ўринбосари, майор Н.Холйигитов табриклади.

**Сардорбек МЎМИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ИҲҲҚ ва ЮТ бошқармаси инспектори**

Янги технология

# Изланишлар давом этмоқда

**Экспертларнинг хулосаларига кўра, экин майдонлари сўнгги 50 йил мобайнида ер шари бўйича икки бароборга кенгайган. Шундай экан, уларни суғориш билан боғлиқ муаммолар ҳам ортиб боради. Бунинг устига трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланишдаги зиддиятлар бу масалани янада мураккаблаштириб юбормоқда. Натижада тез суръатлар билан кўпайиб бораётган аҳолини етарли, экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ўз-ўзидан кун тартибида пайдо бўлади. Хўш, бу муаммони бартараф этишнинг яна қандай йўллари мавжуд? Қуйида мамлакатимиз соҳа мутахассислари бу борада амалга ошираётган изланишлар ҳақида фикрлашамиз.**



Айни пайтда дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда жуда кўп усуллар мавжуд. Ҳар бир минтақа ўз шароитидан келиб чиқиб улардан фойдаланиши табиий. Бу усулларнинг энг қадимий ва анъанавийси экин майдонларини жўяклаб суғоришдир. Сув тақчил бўлган йилларда, айниқса, оби ҳаёт танқислиги тобора ортиб бораётган шароитда экинларни тежамкор усуллар орқали суғориш зарурати туғилади.

Томчилатиб суғориш суғорма деҳқончиликда энг тежамкор усул ҳисобланади. Унда сув барча экин майдонига эмас, балки фақат ҳар бир туп экин илдизининг ривожланиш зонасига юборилади. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, бу усулни дуч келган жойга эмас, илмий ўрганилиб, асосланган, сув ресурслари кам ва етказиб берилиши қийин бўлган жойларга, анъанавий суғориш усулларини қўллашнинг иложи бўлмаган ерларга, нишаблиги катта ва тик ёнбағирларга, қинғир-қийшиқ рельефли участкаларга, сув ўтказувчанлиги катта бўлган енгил тупроқларга, нам билан кам таъминланган ҳудудларга, сув манбасининг қуйи қисмида жойлашган ерларга, қатор оралари катта бўлган экинларга (боғ ва токзорларга) ўрнатилса юқори натижа беради.

Томчилатиб суғориш усули ер юзида ўтган асрнинг 70-йилларидан буён кенг қўлланилаётир. Аниқланишича, бугунга келиб 1,2 миллион гектардан ортиқ майдон шу усул ёрдамида суғорилар экан. Бу усулдан фойдаланиш АҚШ, Испания, Исроил, Австралия, Италия, Франция, Хитой ва Жанубий Корея каби мамлакатларда кенг тарқалган.

Марказий Осиё давлатлари йиллик ёғин миқдори умумий буғланиш миқдоридан анча кичик ҳудудда жойлашган. Суғоришнинг асосий вазифаси йилнинг қандай келишидан қатъи назар, сув ресурслари ёрдамида қишлоқ хўжалик экинларидан кафолатли ҳосил олишдир.

Юртимизда сув танқислиги шароитида уни тежаш усуллари, айниқса, томчилатиб суғоришга узоқ йиллардан буён эътибор қаратиб келинади. Жумладан, Америка, Исроил ва бошқа бир неча мамлакатлар технологияси тажрибадан ўтказилган. Натижада бу усулнинг ижобий томонлари аниқланган. Мутахассисларнинг фикрича, юртимизда сув тежаш технологияларининг ҳуқуқий, ташкилий ва техник асосларини яратиш, уларни ёппасига қўллаш чора-тадбирлари ўз ечимини кутмоқда.

Истиқболда турган муаммо фурсат келишини кутиш билан ҳал бўлиб қолмайди, албатта. Мазкур масала Тошкент ирригация ва мелиорация институти мутахассислари томонидан қандай ўрганилаётгани билан қизиқдик. Олий ўқув юртининг бир гуруҳ олимлари ҳам маҳаллий шароитга мос янги — паст босимли томчилатиб суғориш усули устида анчадан буён бош қотиришаётган экан. Ҳатто улар томонидан яратилган антиқа суғориш тизими бир неча йилдан бери амалиётда синовдан ўтказилмоқда.

— «Паст босимли ТИМИ томчилатиб суғориш технологияси билан мойли экинлардан юқори ҳосил олишни ўрганиш ва жорий этиш» мавзусидаги республика гранти асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида 2009-2011 йилларда Сурхондарё вилояти, Термиз туманидаги «Ал-Ҳаким ота» фермер хўжалиги ерларида соя ва кунгабоқар устида тажрибалар олиб борилди, — дейди институт тадқиқотчиси Адҳам Маматалиев. — Тадқиқот ишлари натижасида бу тизимни жорий қилиш туфайли мойли экинлардан юқори ҳосил олиш агротехникаси ва сув ресурсларини тежаш бўйича тавсиянома тайёрланди.

Ўқувчиларимиз учун янгилик бўлгани учун лойиҳанинг бир қатор хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтишни жоиз топдик. Суғориш ускунаси сув таркибидаги коллоид заррачалар ва микроорганизмларнигина эмас, балки қум ва лойқаларни ҳам томчилатгичлардан бемалол оқиб ўтишини таъминлайди. Шуниси аҳамиятлики, у жуда кичик босим остида ишлайди. Қўлланадиган жиҳозларнинг арзонлиги, конструкциясининг соддалиги, монтаж ва эксплуатация қилишга қулайлиги, таъмирланиши, осон демонтаж қилиниши унинг муҳим жиҳатларидир. Энг муҳими, тизим учун зарур бўлган хомашё ҳамда жиҳозлар ўзимизда бор.

Паст босимли томчилатиб суғориш тизимининг самарадорлик кўрсаткичларидан ташқари, сувни фермер даласигача олиб келиш харажатлари асосида етказиб берилган сувни тежашдан келадиган фойдани ҳам ҳисоблаб чиқиш мумкин. Сурхондарё вилояти шароитида кузги дон экинларидан сўнг такрорий экин сифатида соя ва кунгабоқар етиштирилганда ҳамда паст босимли томчилатиб суғориш тизими орқали суғориш амалга оширилганда, сув эгатлаб суғоришга нисбатан соя даласида гектарига 2250, кунгабоқар даласида эса 1700 кубометр тежалган.

Томчилатиб суғориш усулини республикамизнинг Фарғона водийсида, Қашқадарё Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Навоий вилоятларидаги қир-адирларда, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Сирдарё вилоятларининг сув ўтказувчанлиги юқори бўлган чўл зоналарида қўллаш мақсадга мувофиқ экани аниқланган.

— Маълумки, ҳозирги пайтда республикамиз бўйича бир миллион гектардан кўпроқ майдонда кузги ғалла экинлари етиштирилмоқда ва шунча майдонда такрорий экинларни етиштириш имкониятлари мавжуд, — дейди лойиҳа иштирокчиларидан бири, институтнинг кафедра мудири Тоҳир Мажидов. — Лекин республикамизда сув тақчиллиги сабабли ҳар йили кузги ғалла экинларидан бўшаган 800-900 минг гектар майдонга такрорий экинлар экилмайди. Асосан сув етарли бўлган ҳудудларда сабзавотлар, картошка ва маккажўхори каби такрорий экинлар экиб келинмоқда.

Мамлакатимизда полиэтилен материали асосида паст босимли томчилатиб суғориш тизими учун ишлаб чиқилган юмшоқ қувурлар, уларнинг томчилатгичлари юқори температурага ва босимга чидамли эканини кўрсатган.

Тажриба натижаларига кўра институт олимлари бу тизимнинг афзалликларини ўрганиб, уни дала-деҳқончилик ишларига кенг жорий қилиш учун, аввало, унинг илмий асосланган тизимини яратиш, истеъмолчилар бу усулнинг ҳақиқий баҳоси ва афзалликларини тушунишлари, хизмат кўрсатувчи сервис ташкилотлари ташкил қилиш кераклигини таъкидлашмоқда.

Институт олимлари томонидан ишлаб чиқилган паст босимли томчилатиб суғориш тизимини республикамизда такомиллаштириш ва жорий қилиш — минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, меҳнат ресурсларининг тежалишига, ҳосилдорликнинг ошишига, ерлар мелиоратив ҳолатининг яхшиланишига, асосийси, сувнинг 40-60 фоиз тежалишига олиб келади. Шунингдек, ушбу содда технология хориждаги турдошларидан 6-8 марта арзон, унинг қисмларини тайёрлаш ҳам мураккаб эмас. Лойиҳанинг мақсади — ишлаб чиқилган содда паст босимли томчилатиб суғориш усули билан кузги буғдойдан бўшаган ерларга экиладиган такрорий экинлардан кам сув билан юқори ҳосил олишдан иборат бўлса-да, келажакда унинг фаолият кўламини кенгайтириб, юртимиз миқёсида оммавий қўллашни йўлга қўйиш мумкин. Айни пайтда бу соҳадаги изланишлар давом этмоқда.

**Фозил ЖАББОРОВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

# Мустаҳкам оила – юрт кўрки ва таянчи

(Бошланиши 1-бетда.)

Бу ҳақда сўз бораркан, Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш, хусусан, унинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш муҳим ўрин тутишини таъкидламоқчиман. Матбуотда эълон қилинган, телевидение ва радиодастурлар орқали узатилган ҳар бир материал дастур мақсад-вазифаларига ҳамоҳанг бўлиши даркор. Шу ўринда бу борада мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари кенг кўламли иш олиб бораётганлари эътирофга лойиқ. Ҳар бир газета-журналда Мустаҳкам оила йилига бағишланган рукнлар ташкил этилди. Телекўрсатувлар ва радиодастурларда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз аксини топмоқда. Айниқса, Мустаҳкам оила йилига бағишлаб махсус тайёрланган ижтимоий телерадиороликлар эътиборни тортади. Шунингдек, юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган бахтли оилалар, уларнинг ибратли ҳаётий тажрибаларига оид лавҳаларнинг аксарияти ҳақида ҳам шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин.

Албатта, ҳали булар Давлат дастури ижроси доирасидаги ҳаракатларнинг бошланиши. Шунинг учун айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Хусусан, аксарият газета-журналларда рукнлар бир хил. Фикримча, ҳар бир газетанинг ўз юзи ва бошқалардан ажралиб турадиган жиҳатлари бўлиши керак. Шунда уларга ўқувчи эътибори кўпроқ тортилади. Шу ўринда фотолавҳалар ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Кўпчилик газеталарда бир хил — ота-она ва фарзанди тасвирланган фотолар кўп учрайди. Яъни, фотомухбирларда ижодий ўзига хослик сезилмаяпти. Бу каби камчилик ва нуқсонлар олдимизда турган вазифалар оз эмаслигини кўрсатмоқда.

Шуниси эътиборга лойиқки, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масъулиятини биринчи навбатда давлат ва жамиятимиз ўз зиммасига олмоқда. Улар учун катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Давлат дастурида кенг акс этган бу вазифани муваффақиятли адо этишда турли давлат идоралари, кенг жамоатчилик, фуқаролик институтлари кўрсатаётган ташаббус ва амалий ҳаракатлар ҳам оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўлиши лозимлигини қайд этмоқчимиз.

"Мустаҳкам оила" деган ғоянинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Айниқса, ёш оилаларнинг мустаҳкам оёққа туриб олишида маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Ўйлайманки, оммавий ахборот воситаларида маҳаллаларнинг жамиятимиздаги, кундалик ҳаётимиздаги моҳиятини кенгайтириш ва нуфузини янада ошириш масалаларига алоҳида аҳамият бериш ўринлидир.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида «Соғлом она — соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш масалалари кенг ўрин олган. Бу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳам оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ўйлайманки, йил давомида бу каби қатор масалалар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида бу борада оммавий ахборот воситалари, фидойи журналистларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, яқиндагина Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" республика танлови эълон қилинди.

Танловга тақдим этиладиган материалларда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси ва унинг амалдаги самаралари атрофлича ёритилиши лозим. Шу билан бирга, материалларда жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида жойларда олиб борилаётган ишларни кенг ёритиш, жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам ҳамда соғлом оилани шакллантиришда жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ўз аксини топиши талаб этилади. Танлов журналистларнинг "Мустаҳкам оила йили" мақсад-вазифаларини ёритишларида кучли омил бўлади, деб ўйлаймиз.

Ижодкорлар ўртасидаги энг нуфузли танлов — "Олтин қалам" VII Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг номинацияларидан бири ҳам "Мустаҳкам оила йили"га бағишланган. Айни пайтда танловга топширилган журналистик ишларда бу мавзудаги материаллар оз эмаслигини мамнуният билан айтиб ўтиш мумкин.

Бу йил яна бир янги танлов ўтказиш кўзда тутилган. Яъни, ёш журналистлар ўртасида «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» икки босқичли Республика кўрик-танлови ташкил этилмоқда. Бу танлов ёш ижодкорларнинг фаоллигини, касбий малакасини янада оширишга хизмат қилади деб ўйлайман. Ҳозирги пайтда танловнинг ташкилий жиҳатлари ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, «Медиа-лагерь — 2012»ни ташкил этиш, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тадбирларини амалга оширишга бағишланган ижтимоий телерадиороликлар миллий фестивалини ўтказиш каби тадбирлар ҳам журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Мустаҳкам оила йилида журналистлар юртдошларимиз қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган материаллари билан оилаларни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонаман.

Видеоконференция

## Долзарб мавзуга бағишланди

Пойтахтимиздаги «Маърифат маркази»нинг мажлислар залида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон ахборот агентлиги (ЎзА), «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти» мавзуида республика видеоконференцияси ўтказилди.

Тадбирда депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари, журналистлар ҳамда ахборот соҳаси мутахассислари иштирок этди. Унда, шунингдек, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган ОАВ ходимлари мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишди.

Анжуманда ОАВда ташкил қилинган «2012 йил — Мустаҳкам оила йили», «Аҳил маҳалла», «Байналмилал маҳалла», «Маҳалла: бугун ва эртага», «Оила — жамият таянчи», «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» каби рукнлар орқали фуқароларни ахборот билан таъминлаш усуллари ҳақида фикр алмашилди.

**Ўз мухбиримиз**

Фотожурналистика

...Анорнинг ярим палласи. Пардалари. Ана шу пардаларнинг очиқ жойларида қип-қизил дурдек анор доналари ярқираб турибди. Шугина.

Муаллиф буни «Ҳаёт» деб номлабди. Олдинига ҳайрон бўлдим. Бунинг нимаси ҳаёт? Кейин...

Биз кўпинча ён-атрофимиздаги одамларга унча эътибор беравермаймиз. Тўғрироғи, бир-биримизни билмаймиз. Ваҳоланки, ҳар бир инсоннинг ўзи бир хазина. Ўқилмаган китоб. Ҳар бир қалб тубида дарёлар оқиб ётади. Бу дарёлар тубининг ўз хилқатлари, ўз маржону дурлари бор. Бу ёғини сўрасангиз, камина ҳам бирга ишлайдиганимиз бу ижодкорни шунчаки бир сураткаш-да, деб юрарканман, қаранг! Унинг Ёшлар ижод саройида очилган «Тараннум» фотокўргазмасини томоша қилдим-у, кунда-кунора кўриб юрадиганим бу «расмчи бола» катта фоторассом эканлигига амин бўлдим. Асарларининг (ҳа, булар шунчаки сурат эмас) ҳар бири олдида узоқ-узоқ туриб қолдим. Уларнинг ҳар бири гўзал, айни пайтда маъно-мағзи тўқ, ҳайратли, ҳайратомуз эди.



# АНОР ДОНАЛАРИ

Ижодкорнинг «Қамчиқ довони», «Китоб довони» туркумидаги суратлари... Бу йўллардан Сиз ҳам, биз ҳам кўп ўтганмиз, азиз дўстим. Аммо, ҳақиқий суратчи-ижодкор назари, нигоҳи барибир бошқача экан-да! Қаерни олишни, қаердан, қайси нуқтадан, қай ҳолатда суратга олишни... шу ишни устаси бажарсин экан-да! Адоқсиз, пурвиқор тоғлар. Ана шу тоғлар бағрига чирмашиб ётган илонизи йўл. Ям-яшил арчазорлар... Кўм-кўк осмон... Бир-бирини такрорламайдиган бу суратларни — юртимизнинг мафтункор манзараларини кўриб, унинг муаллифи дидига, маҳоратига қойил қоласан киши.

Фоторассомлик — энг мураккаб, энг нозик, энг инжа санъат. Ҳақиқий фотожурналистнинг усталиги, ижодкорлиги шундаки, у манзил-манзараларни, турфа ҳолатларни, одамлар чеҳрасидаги оний ўзгаришларни, сиз билан биз кўп-да парво қилавермайдиганимиз ҳаяжонли лаҳзаларни ўз пайтида, саноқли дақиқаларда илғаб олади. Ва дастгоҳини ишга солади. Тамом. Шу оннинг ўзида асар туғилади. Ҳамма гап шундаки, жуда ҳам юксак дид, зийраклик, зукколик, чапдастлик зарур бунда. Одамнинг бутун вужуди, етмиш икки минг томири-ҳужайраларигача ҳаммаси ишлаб туриши керак бўлади бундай пайтда. Фоторассомнинг бу ондаги ҳолати, шиддат-шижоатини Саҳрои Кабирда ўқдек учиб бораётган оҳуни тутиб олган чаққон овчига ёки гулдан-гулга учиб-қўниб юрган учқур капалакни бир ҳаракатдаёқ ушлаган беғубор болага қиёслагим келади. У бунда кўз очиб юмгунчалик... йўқ, ундан-да шитоб, шошқин лаҳзаларни, зумда, жуда ҳам тез ўтиб кетадиган ҳолатларни тутиб олади. Мангуликка муҳрлайди. Ҳар бир асар шу тариқа дунёга келади. Киши руҳини аллаловчи дилбар қўшиқ ё сеҳрли куйдек кўнгилларга етиб боради.

Назаримда, фоторассом асарининг оддий суратсаш ишидан фарқи ҳам шунда. Айричалиги, фалсафийлиги, оҳангдорлигида.

Мени ўз асарлари билан ҳайратга солган, қувонтирган ижодкорда юқорида айтилган фазилатларнинг барчаси мужассам. Бу фазилатларни битта сўз билан ҳам ифода қилиш мумкин: маҳорат!

Унинг "Кўҳна Хива" туркумидаги асарлари ҳар қандай одамни ҳам ўйга толдиради. Қўллардан тутиб, узоқ мозийга етаклаб кетади. Қулоғингиз остида хонлик давридаги талотўплар, отлар туёғининг дупири, жўлдир кийинган оломон овози, оҳ-фарёди эшитилгандек бўлади. Жунжикиб кетасиз... Республикамизда улуғ Истиқлол йилларида рўй берган катта ўзгаришлар, беқиёс бунёдкорлик ишларидан ҳикоя қилувчи "Пойтахт" туркумидаги асарлари эса киши кўнглига ғурур ва сурур бағишлайди. Азим Тошкентимиз тасвирланган картиналарни томоша қилар экансан, шундай улуғ, шундай гўзал ва муаззам шаҳарда яшаётганингдан, тириклигингдан, соғомонлигингдан, ҳар куни шу кўчалардан, шу хиёбонлардан ўтишингдан шукрона қиласан, кўксинг фахр-ифтихорга тўлади.

Ижодкор бир ажойиб этюдини "Дуэт" деб номлабди. Мана ўша асар: оддий арматурада (эҳтимол сўритокдир) учта қалдирғоч. Уларнинг иккитаси катта ашула ижро этаётган ҳофизлардек тумшуғини баралла очиб "куйлаяпти", биттаси ён томонда, уларга қойил қолгандек қараб турибди. Рассом ана шу ҳолатни топган ва муҳрлашга эришган.

«Томчилар»... «Ёмғир»... «Ёлғиз дарахт»... Энди, бу асарларни тасвирлаш мушкул. Буни фақат кўрмоқ, таъмини туймоқ керак.

Ижодкоримизни сизга таништириш фурсати ҳам етди чоғи.

Ёш, иқтидорли фоторассом, мамлакат ва дунё миқёсидаги бир неча нуфузли кўргазмалар иштирокчиси ва ғолиби, «Олтин қалам» мукофоти соҳиби Ҳасан Пайдоев. У «Халқ сўзи» газетаси таҳририятида хизмат қилади. Қачон қараманг, дастгоҳини елкасига илиб, шошганча ҳали у вилоятга, ҳали бу вилоятга кетаётган бўлади. Ана шу хизмат сафарлари, йўллар, одамлар унга бир олам илҳом беради. Таҳририят топшириғини бажариш жараёнида қалбига ўтирган, ўзига маъқул тушган манзаралар, ҳолатлар, одамларни тасвирга туширади. Шу юртни, унинг меҳнаткаш, фидойи одамларини ўзига хос нигоҳ билан тараннум этади. Бунда бошқаларга ўхшамасликка интилади. У олган турли мавзудаги, ранг-баранг суратлар бугунги жараёнлардан «сўзлаш» билан бирга, севимли газетамиз қиёфасини очиб, безаб туради. У доимо изланишда. Ўзи ҳам киришимли, қўли кўксида, камтар, камсуқум йигит. Гапиришдан кўра ишлашни, изланишни афзал билади.

Дарвоқе, «Ҳаёт»... Бир бўлак анор палласи... Нега энди ҳаёт? Ўйлай-ўйлай бунинг маънисига етгандекман: инсон анор доналаридек дунёга келади. Оддий ғунчалик — болаликдан, аста-секин гуллаб, мева тугиб етилади, камолга етади. Ва бир куни келиб, худди анор япроқларидек шу тупроққа сингиб кетади. Аммо, бу ҳаммаси тугади, дегани эмас. Анор илдизларидан янги ниҳоллар униб чиқади, ўсиб, улғаяди. Демак, ҳаёт давом этади...











**Али ЗИЁД**

## Муҳаббат яна ғолиб

*Саҳнада буғдойранг, нигоҳлари маъсум қиз «Чўпон қиз» рақсини ижро этаяпти. Унинг ҳар бир ҳаракати назокатга, қарашлари ўзбекона ибо ва ҳаёга йўғрилган. Гўзалликка ошуфта томошабинлар ҳам ҳайрат оламига ғарқ бўлганча, раққоса билан қўй-қўзилар ўтлаб юрган ям-яшил далаларга, қир-адирларга хаёлан саёҳат қилмоқда. Ниҳоят «чўпон қиз» тин олди. Гулдурос қарсаклар овозидан саҳна ларзага келди...*

*Бу ёрқин истеъдод соҳибаси Муҳаббат Каримова Андижон вилоятининг Болалар шаҳарчасидаги 10-хонадон тарбияланувчиси ҳисобланади. У ёш бўлишига қарамай жуда кўплаб тадбирларда фаол қатнашади, мусобақа ва танловларда доимо ғолиблар қаторида зикр этилади. Масалан, 2010 йили «Янги авлод» кўрик-танловида, ўтган йили вилоят миқёсида бўлиб ўтган «Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси», «Конституциямиз — бахтимиз қомуси» ижодий ишлар танловларида биринчи ўринни қўлга киритган. Шунингдек, у республика «Меҳрибонлик» оромгоҳи кутубхонасининг энг фаол китобхони, «Камалак» болалар ташкилоти «Бахтли болалик» лойиҳасининг энг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Муҳаббат ҳозир Олтинкўл туманидаги 20-ихтисослашган мактаб-интернатининг 7-синфида таҳсил олиш билан бирга, спортнинг бадиий гимнастика тури билан шуғулланади. Бўш вақтларида рақс тушиш, китоб мутолаа қилиш жону-дили.*

*Эндигина 15 ёшни қарши олган бу қизалоқ шу йилнинг март ойида ўтказилган Зулфия номидаги Давлат мукофотининг «Санъат йўналиши» бўйича ҳам ғолиб деб топилди. «Мукофот беришаётганда жуда ҳам ҳаяжонландим. Бунинг учун, аввало, яқиндан ёрдам берган устозларимга миннатдорлик билдираман. Келгусида журналистика касбини танлаб, етук мутахассис сифатида уларнинг менга билдирган ишончини оқлашга сўз бераман», дейди Зулфияхонимнинг янги издоши.*

**Дурдона МУХТОРОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**




## «Ҳаёт учун»

*Одатда кўпчилик сутни болалар ичиши керак деб ҳисоблайди. Аммо уни катталар ҳам ичиб турса зарар қилмайди. Чунки сут таркибида организм учун зарур бўлган жуда кўплаб углеводлар, оқсиллар ва ёғ мавжуд. Ушбу маҳсулот суюқликдан иборат бўлса-да, секин ҳазм бўлади. Уни истеъмол қилган киши муайян вақт давомида тўқликни ҳис этиши шундан. Углеводлар туфайли қондаги қанд миқдори ҳам барқарор бўлиб туради. Сутда кальций моддаси Д витамини билан бирга бўлади, шунинг учун у организм томонидан яхши ўзлаштирилади. Бунинг устига кальций ёғларни парчалашда ҳужайраларга ёрдам беради.*

*Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино сут-қатиқ маҳсулотларини истеъмол қилиш узоқ яшашнинг гарови эканлиги ҳақида ёзиб қолдирган. Буюк рус олими Мечников эса бунинг ҳақиқат эканлигини ўтган асрдаёқ исботлаган. Ўшанда лактобатсиллалар билан ивитилган сут маҳсулотлари «Мечников қатиғи» деб аталганди. Бизнинг давримизда ҳам йогурт тайёрлаш учун томизғи сифатида булғор таёқчалари ва термофил стрептококклардан фойдаланилади.*

*Ҳозирги вақтда баъзи сут-қатиқ маҳсулотларига пробиотик штаммлар қўшила бошланди. «Пробиотик» сўзи таржима қилинганида «ҳаёт учун» деган маънони билдиради. У билан бойитилган маҳсулотлар овқат ҳазм бўлишини маромлаштиради, ичакларни токсинлардан тозалайди, озишга кўмаклашади. Бундан ташқари, ҳаётий қувватни оширади, қондаги холестерин ва қанд моддасини камайтиради, буйракда тош пайдо бўлишига тўсқинлик қилади ва юракдаги муаммоларни бартараф этади.*

**Қамара ЖАЙЛОБОВА,**
**1-Республика тиббиёт коллежи ўқувчиси**

*Газеталардан шикоят қилиш ёки ўқишни эмас, балки ёзишни ҳам билиш керак.*

*Шарль де Голль.*

## Дараклар

### «СОМОН ЙЎЛИ»ДА ҲАЁТ БЕЛГИЛАРИ БОРМИ?

**Галактикамизнинг Сомон йўлида ҳаёт учун қулай иқлим бўлган миллиардлаб сайёралар мавжудлиги ҳақида Гренобль Планетология ва астрофизика институти ходимлари хабар тарқатди.**



Астрономлар «қизил миттилар» деб ном олган кичик юлдузларни ўрганиб чиқиб шундай хулосага келдилар. Таъкидланишича, мазкур юлдузлар атрофида ҳаракатланаётган сайёраларнинг 40 фоизида Ердаги каби ҳаёт манбаи — сув бўлиши мумкин. Бу эса барча тирик жонзотларнинг, яъни тирикликнинг асосидир.

Астрономларнинг қайд этишларига қараганда, биргина Сомон йўлида 160 миллиард атрофида кичик юлдузлар мавжуд. Шунга кўра, «тирик сайёра»ларнинг сони ҳам кўп бўлиши табиий. Албатта, буларнинг барчаси ҳозирча тахмин, холос. Ҳаммасини вақт кўрсатади.

### МЕХИКОДА ЗИЛЗИЛА РЎЙ БЕРДИ

**«France-Presse» агентлиги тарқатган хабарга кўра, 2 апрель куни Мексика пойтахтида 6,3 балли зилзила содир бўлган. Унинг эпицентри Герреро штати ҳудудида, Мехикодан 314 километр жануби-шарқий узоқликда қайд этилган.**




Хайриятки, табиий офат ҳеч қандай вайронагарчилик келтириб чиқармади. Шаҳар аҳолиси ўз уйларини маълум муддатга тарк этган, холос. Айни пайтда зилзиланинг мамлакат пойтахтидан ташқари ҳудудлардаги оқибатлари ўрганилмоқда. Шу мақсадда Герреро ва Оахака штатларидаги қишлоқ районларига маҳаллий ҳукумат томонидан вакиллар жўнатилган.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 20 март куни Мексикада 7,4 балли ер қимирлаши содир бўлган, бунинг натижасида 500 га яқин иншоотлар шикастланган эди.

### «SAMSUNG» ХИТОЙДА ЗАВОД ҚУРАДИ

**Кореянинг «Samsung Electronics» концерни Хитойнинг Сиан шаҳрида хотира-флешлари учун чиплар ишлаб чиқарадиган завод қуради. Бунинг учун концерн томонидан 7 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағ йўналтирилади.**



«The Korea Times» газетасининг концерн матбуот котиби Кен Нонинг сўзларига таяниб тарқатган хабарига кўра, Хитой бозорининг тезкорлик билан кенгайиб бораётгани концерн раҳбариятининг ана шундай қарорга келишига сабаб бўлган. Айни чоғда компаниянинг директорлар кенгаши мазкур лойиҳа учун дастлабки 2,3 миллиард долларни ажратиш тўғрисидаги қарорни маъқуллаган.

Ҳозирги вақтда «Samsung» Жанубий Кореядан ташқарида хотира-флешлари тайёрлайдиган фақат битта корхонага эга. У ҳам бўлса, АҚШнинг Техас штатидаги Остин шаҳрида жойлашган.

### ИШСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

**Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда ишсизлик тобора ортиб бормоқда. Февраль ойи якунларига кўра, Еврохудуддаги ишсизлик сўнгги 15 йилда энг рекорд кўрсаткичга етган – 10,8 фоиз! Eurostat ана шундай хабар тарқатди.**




Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишсизлар сони 1,47 миллион кишига ортган. Хусусан, бу борада Испания (23,6 фоиз), Греция (21 фоиз) ва Португалия (15 фоиз)да аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Дастлабки икки мамлакатда, айниқса, 25 ёшгача бўлганлар ўртасида ишсизликнинг 50 фоизгача кўтарилгани юрт эгаларини ташвишлантирмоқда. Таққослаш учун айтиш мумкинки, ушбу кўрсаткич Германияда 8,2, Австрияда 8,3 ва Голландияда 9,5 фоизни ташкил қилади.

### ҚАЛАМПИРНИНГ ФОЙДАСИ БОР, ЛЕКИН...

**Ҳозирги пайтда бутун дунёда юрак-қон томир касаллиги ўлимга сабаб бўлувчи кенг тарқалган дардлардан биридир. Хитойлик олимлар ушбу хасталикнинг олдини олишда Чили қалампири самарали восита эканлигини далилладилар. Бу ҳақда «Medical Xpress» нашрида мақола чоп этилди.**



Олимлар тажриба пайтида қалампир таркибидаги капсаицин ва унга яқин алкалоидларни ўрганишга эътибор қаратишди. Капсаицин моддаси қалампирларга кучли аччиқлик хусусиятини беради. Эътиборлиси, у тиббиётда, юрак билан боғлиқ касалликларни даволашда тавсия этиладиган дори-дармонлар таркибида ҳам мавжуд. Айни шу модда юракнинг бир маромда ишлашига хизмат қилади. Бундан бироз аввал капсаицин қон босимини туширишда, қон таркибидаги холестерин миқдорини камайтириш ва қон қуйилишининг олдини олишда яхши натижа бериши аниқланган эди.

«Бизнинг тадқиқотларимиз қалампир таркибидаги ушбу модданинг юракни соғломлаштириш борасидаги мавжуд тасаввурни янада кенгайтириш билан бирга, унга муайян аниқлик ҳам киритди, — дейди Гонгконг университети илмий ходими, доктор Жень Ю Чен. — Эндиликда уларнинг генлар ва бошқа механизмларда қай тарзда ҳаракатланиши, юрак ва қон-томирларининг меъёрида ишлашига қандай таъсир кўрсатиши аниқ бўлди».

Чили қалампиридаги капсаиноидлар юрак ва юрак-қон-томирлари билан касалланган беморлар учун самарали даво воситасидир. Лекин Жень Ю Ченнинг огоҳлантиришича, қалампир қўшилган таомларни меъёрида тановвул қилган маъқул.

**Интернет хабарлари асосида Камол АЛЛАЁРОВ тайёрлади.**

## Шарҳ

# "Қора булут" шарпаси

**Уйғоқ шуур билан оламга назар ташласак, ҳозир дунёнинг турли минтақаларида ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар давом этаётганига, террорчилик хуружлари халқаро хавфсизликка таҳдид солаётганига гувоҳ бўламиз. Бу эса бизни бугунги тинч ҳаётимизнинг қадрига етишга, уни асрабавайлашга, шукрона келтиришга ундайди.**

Ҳамон инсониятнинг энг хавфли душмани террорчилик ва экстремистик кучлар бўлиб қолмоқда. Тобора янги шакл ва қиёфа касб этаётган халқаро терроризм инсоният тараққиётига таҳдид солиб, дунё цивилизацияси ва давлатлараро муносабатларнинг ашаддий душманига айланиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу туфайли ҳам халқаро терроризмга қарши кураш умумсайёравий, биринчи навбатда ҳал этилиши зарур бўлган муаммога айланди.

На миллати, на дини бўлган терроризм тажовузидан ўзини ҳоли ҳис қилган бирорта қитъа ёки давлатнинг ўзи йўқ. У худди вабодек тарқалиб, ер шаридаги кўплаб мамлакатларга бало-қазодек ёпирилиб бормоқда. Жаҳон матбуотида ёзилишича, АҚШнинг ўзида 800дан ортиқ экстремистик ташкилот фаолият юритаётган бўлса, "Ал Қоида"нинг махсус тайёрланган ўлимга тайёр гуруҳлари юзга яқин давлатда одамларни қўрқув ва ваҳимага солиб келмоқда. Инсоният 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркда, кейинчалик Москвадаги Норд-Ост киноконцерт залида рўй берган фожиали воқеаларни, Испанияда йўловчи поезднинг портлатилиши, 2004 йил 11 мартда Мадридда, ўша йил 1 сентябрда Бесланда, 1999 йил 16 февралда Тошкентда ва 2005 йил 7 июлда Лондонда содир этилган террористик ҳужумлар туфайли кўплаб бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмганлиги унутиладиган воқеалар эмас. Ўтган ҳафта Франция Тулузасида террорчи томонидан мактаб ўқувчиларининг ўққа тутилиши, Афғонистон ва Ироқда амалга оширилаётган ўнлаб террорчилик ҳаракатлари инсониятни янада ҳушёррок бўлишга, аср балосига қарши курашда бирдамликни кучайтиришга даъват этади. БМТ маълумотларида келтирилишича, биргина Афғонистонда 2011 йил мобайнида 3100 нафарга яқин бегуноҳ одам ҳалок бўлган.

2011 йилда қўпорувчилик ҳаракатлари сони 2010 йилга қараганда 25 фоиз ўсган бўлса, мазкур ҳужумлар натижасида ҳалок бўлганлар сони 40 фоиз ортган. Ҳужумларнинг асосий қисми Ироқ, Афғонистон, Покистон, Яман, Яқин Шарқ, Африка ва Россия ҳиссасига тўғри келади. Умуман олганда, дунё бўйлаб содир этилаётган террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳар йили 20 мингдан зиёд одам қурбон бўлаяпти.

Айниқса, Ироқ ва Афғонистонда террорчилик хуружлари сони ошиб бораётганлиги кўпчиликда ташвиш уйғотаётганини таъкидламоқ жоиз. Афғонистондаги халқаро тинчликни сақловчи кучларнинг маҳаллий аҳоли урф-одатлари ва анъаналарини яхши тушунмаслиги, афғон инфратузилмаларини тиклашга етарли эътибор қаратилмагани, иш ўринларининг умуман йўқлиги ночор аҳволда қолган ёшларнинг жангарилар сафини тўлдиришига олиб келмоқда. Натижада НАТО кучларига қарши кенг қамровли ҳужумлар давом этиб турибди. Донор мамлакатлар томонидан Афғонистон қишлоқ хўжалигига ажратилиши кўзда тутилган маблағларнинг берилмагани эса "заҳарли оғу" майдонларининг кенгайишига олиб келди. Оқибатда Афғонистонда террорчиларни озиқлантираётган манбалардан бири — қорадори рекорд даражада етиштирилаётгани БМТ ҳисоботларида ҳам алоҳида тилга олинмоқда.

Халқаро терроризм доирасининг кенгайиб, цивилизацияга қарши доимий "қора булут"га айланиб бораётгани кўплаб давлатларнинг, жаҳондаги соғлом сиёсий кучларнинг бу офатга ўз вақтида эътибор бермагани ва унга қарши зарур чора-тадбирлар кўрмагани билан изоҳланади. Кишини ажаблантирадиган жойи шундаки, террорчиларнинг лагерлари бу офатга "юмшоқ" муносабат билан қарайдиган ёки ўзини ўта либерал деб ҳисоблайдиган давлатлар ҳудудида ҳам бемалол фаолият юритмоқда. Уларнинг айрим ривожланган давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи махсус хизматлари томонидан ёрдам олиб келаётган лагерлари кўпчиликка ошкор бўлди. Бу эса хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан янги таҳдидларнинг моҳияти, восита ва услублари тубдан ўзгариб бораётганидан далолат беради.

Терроризм балосининг кучайиб боришига, уларнинг пайини қирқишга террористик кучларга бўлган турлича муносабатлар ҳам ҳалал бераётганидан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, қатор мамлакатларда террорчи ҳисобланган кучлар бошқалар учун исёнчи ёки эркинлик учун курашувчи сифатда намоён бўлаётганини ҳалиҳануз воз кечилмаётганини кўрсатаяпти. Айрим давлатлар эса ушбу икки хил ёндашувни ўз сиёсатида акс эттириши икки ёқлама стандартлар мавжудлигини исботлайди. Шунинг учун ҳам хоҳ терроризм бўлсин, хоҳ наркоагрессия бўлсин, буларнинг барчасини ўзаро ҳамкорлик натижасидагина мағлуб этиш мумкин, деган хулоса устуворлик қилмоқда. Чунки хавфсизликни таъминлашнинг ҳарбий йўли энди тарихда қолиб кетди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон террорчиликка қарши кураш масаласи бир давлатнинг иши эмас, деган ташаббусни БМТ ва ЕХҲТ каби нуфузли ташкилотлар минбарларидан туриб илгари сурганлигини ҳар қанча таъкидласак оз.

Зеро, бугун инсоният глобал қарама-қаршиликлар ва бир ҳовуч кучли давлатларнинг дунёни қайта тақсимлашга қаратилган геосиёсий ўйинлари авжга чиққан, бу йўлда зулм ва истибдоднинг ҳар қандай шаклларидан фойдаланиш айб саналмайдиган таҳликали замонда яшаяпти. Онгли кишилар бундай шароитда ҳушёрликни ҳар қачонгидан оширишлари, дўст киму душман ким, ажрата олишлари, ғанимлар фитнасини амалга оширишда бир қўғирчоқ сифатида миллатдошлари қотилига айланиб қолишдан ўзларини ҳимоялайдилар. Чунки ҳар бир террорчилик ҳаракати ортида ғаразли мақсадлар, ундан манфаатдор кучлар тургани бугун айниқса очиқ-ойдин бўлиб қолди.

**Абдували АБДУЛБОҚИЕВ**









## Хориж матбуоти саҳифаларида

*"Le Huffington Post" газетаси, Франция*

### ИНҚИРОЗГА ҲАМОН ЧОРА ИЗЛАНМОҚДА

**Европада давлатларнинг турлича иқтисодий йўналишларини бир нуқтада бирлаштириш иқтисодий барқарорликка эмас, балки молиявий танглик сари қўйилган қадам бўлди. Мамлакатлардаги ички етишмовчиликлар ва валютанинг айланиш дастаги давлат томонидан назорат қилиниши ҳал этилиши мушкул бўлган таҳлика ва қарама-қаршиликларни юзага келтирди.**


THE HUFFINGTON POST

BEYOND THE BATTLEFIELD

The Endless Struggle For America's Severely Wounded Warriors

"Le Huffington Post" газетасида ёзилишича, агар молиявий барқарор ва иқтисодий ночор мамлакатлар ўртасида мутаносиблик юзага келтирилса, аҳвол ижобий томонга ўзгариши мумкин. Бунинг учун ҳар бир давлат ички бозорлари шартларини қайтадан кўриб чиқиши, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиши ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда ижобий самара бериши мумкин бўлган режаларни амалиётга жорий этиши лозим. Булар аввалига анча таҳликали бўлиши турган гап. Қолаверса, бу ҳаракат мисли кўрилмаган иқтисодий зиённи келтириб чиқариши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аммо Еврохудуддаги давлатлар бунга мажбур. Акс ҳолда келажакда бугунги иқтисодий тангликдан ҳам қийинроқ вазиятга тушиб қолиш мумкин.

Дарҳақиқат, бугун дунёда, айниқса, Европа мамлакатларида мавжуд молиявий тангликдан чиқиш йўллари кенг жамоатчилик томонидан қидирилмоқда. Давлатларнинг иқтисодий барқарорликка эришиши учун турли таклифлар ва фикрлар ўрганилиб, амалиётга татбиқ этилаётир. Бироқ шунча уринишлардан кейин ҳам қитъадаги аҳвол ўнгланганича йўқ.

*"The Washington Times" газетаси, АҚШ*

### СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ УЧИРИЛАДИМИ?

**Газетада эълон қилинган мақолада келтирилишича, Шимолий Кореянинг апрель ойида узоқ масофага учувчи ракеталар ёрдамида сунъий йўлдош учириш режаси АҚШ ҳарбий амалдорларини ташвишга солмоқда. Чунки бу ҳаракат халқаро келишувларга умуман тўғри келмайди. Қолаверса, бундан бир неча ой бурун шимолий кореялик дипломатлар ва АҚШ вакиллари бу борада музокаралар олиб бориб, океанорти мамлакатидан ёрдам сифатида келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобига КХДРни ядро дастурларининг айрим бандларидан воз кечишга кўндирган эди.**


The Washington Post

Democrats Still Lack Favorite For 2004

U.N. Chief Backs New Iraqi Council

Liberian Forces Push Back Rebel Thrust Into Capital

A Lone Woman Testifies To Iraq's Order of Terror

АҚШ мудофаа вазирининг Осиё ва Тинч океани ҳудудларида хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Питер Лавойнинг таъкидлашича, Пхеньян ҳарбий қуроллар кўплаб инсонларнинг ҳаётини хавф остида қолдиришини била туриб ундан фойдаланишдан воз кечмаяпти. Негаки, ракеталарнинг парвози Шимолий Кореянинг янги етакчиси Ким Чон Инга мамлакатнинг ҳарбий салоҳияти яхши эканини намойиш этишга ва ҳокимият вакилларини жипслаштиришга замин яратади.

Маълум бўлишича, Шимолий Корея ракеталарни жанубий йўналиш бўйича учиради. Бунинг оқибатида бир неча мамлакат, жумладан, Жанубий Корея, Япония, Филиппин ва Индонезия давлатлари зарар кўриши мумкин. Яна бир эътиборли масала шуки, учириладиган жисм сунъий йўлдош эмас, балки баллистик ракеталарнинг махфий синови бўлиши ҳам мумкин.

Шимолий кореялик амалдорларнинг фикрича, сунъий йўлдошнинг учирилишидан мақсад мамлакатдаги ҳосилдорлик ҳақида маълумотлар олиш ва табиий ресурсларни олдиндан таҳлил этиб боришдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, сунъий йўлдошнинг оғирлиги 100 килограмм, орбитаси эса 500 километрни ташкил этади.

*"Maariv" газетаси, Исроил*

### ВАЗИЯТ ЎНГЛАНИШИ КЕРАК

**Сурия президенти Башар ал-Асаднинг сўнгги кунлардаги хатти-ҳаракатлари тўнтарилиш арафасидаги Каддафининг аҳволига ўхшаб кетади. Чунки у бошчилигидаги ҳукуматнинг ўзини мамлакатдаги вазиятни назорат қилиб тургандек дунё жамоатчилигига кўрсатиши кулгилидир. Агар аҳвол шу зайлда давом этадиган бўлса, яқин орада у ерда ижтимоий-сиёсий ҳаёт ўз ўзанидан чиқиб кетиши мумкин.**


מעריב

השתיל שעלה לנתניהו בהפרת ההקפאה

Исроилнинг "Maariv" газетасида қайд этилишича, юқоридаги фикрлар асосли. Сурия раҳбарлари ҳақиқий ҳаётдан ажралиб қолгандек таассурот уйғотмоқда. Уларнинг тарафдорлари эса денгизда сузавериб умидсизликка тушган, бахтига шу яқин атрофдан сузиб ўтаётган кемага осилиб соҳилга чиққан одамларга ўхшайди.

— Вазият танг бўлишига қарамай, Башар ал-Асаднинг ҳокимиятни қўлда ушлаб туришида учта муҳим фактори бор, — деб ёзади мақола муаллифи. — Улардан бири Россиянинг қўллаб-қувватлаши бўлса, иккинчиси кам миқдорда нефть қазиб олинаётгани сабабли қатор Ғарб давлатлари Сурияда ҳаёт ўз йўлига тушиб кетишини хоҳламоқда. Учинчи фактор эса Барак Обаманинг сайловолди тайёргарлик ишлари авжига чиққан пайтда эҳтиёткорлик билан иш тутаётганидир. Ҳар ҳолда, ушбу тенденция жорий йилнинг ноябрь ойигача, яъни АҚШда сайловлар ўтгунича сақланиб туради.

Сурияликлар эса мамлакатдаги вазиятдан маҳаллий аҳоли азоб чекаётгани, хунрезликларга жаҳон ҳамжамияти эътиборсиз қараётганини таъкидламоқда. Давлатнинг иқтисодий аҳволи ҳатто ҳарбий тизимнинг харажатларини ҳам кўтара олмайдиган даражага тушиб қолган.

**Интернет материаллари асосида Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.**

"Ўзвиносаноат-Холдинг" компанияси барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.

Иш тартиби: душанба – жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.

Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.
Тел.: 244-39-47, 244-50-54.

Орамиздаги одамлар

# Оламга ёйилган зиё

«Телевидение орқали ўқиб эшиттирилган Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини тинглarkанман, шу она тупроқда яшаб ўзлигимни таниганимдан, шу гўшани "ўз юртим" дея умримнинг 77 баҳорини ўтказганимдан, Ватаним Ўзбекистонни эъзозлаб, унинг муваффақиятларига ўз улушимни қўшаётганимдан мамнун бўлиб кетдим, — дейди педагогика фанлари доктори, профессор Александра Ким юзларида миннатдорлик нурлари балқиб. Меҳр-муҳаббат, самимий қалб изҳорига йўғрилган Юртбошимизнинг дил сўзлари корейс миллатига мансуб оиламиз аъзолари қалбида фахр туйғуларини янада оловлантирди.

Юртбошимизнинг «Мустақил тараққиёт йўлида бошимизга оғир синов ва қийинчиликлар тушган машаққатли даврда айнан сиз, аёлларнинг меҳнаткашлик ва шукроналик, чидам ва сабрбардош каби юксак инсоний фазилатларни намоён этиб, эл-юртимизда тинчлик ва осойишталикни, жамиятимизда меҳр-оқибат ва аҳиллик муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда, бугунги мана шундай ёруғ кунларга, бутун дунё тан олаётган марраларга етиб келишда сиз, азизларнинг беқиёс ҳиссангиз борлигини мен ҳеч қачон унутмайман ва бу ҳақда доимо миннатдорлик билан такрор ва такрор гапиришга тайёрман», деган қалб ҳароратига йўғрилган сўзлари кўнглимни ўстириб юборди».

У ўтган ҳаёт йўлига хаёлан назар ташлар экан, беихтиёр шижоатли онлар, илм ва меҳнат оғушида юрт меҳрини дилга жо айлаган дамлар, шу тупроқда тетапоя бўлиб вояга етган фарзандлари ёшлиги кўз олдида гавдаланди, умр йўлдоши, таниқли ёзувчи — Борис Пак ижодига илҳом бағишлаган азиз тупроққа меҳри жўш уриб, кўзларида ёш жилваланди. Бу ёшлар қувонч, туганмас қалб изҳори, самимийлик ёшлари эди...

Александра Ким Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Математика институтида илмий ходим, Қори Ниёзий номидаги Педагогика илмий-тадқиқот институтида бўлим раҳбари вазифаларида кўп йиллар фаолият кўрсатиб, ёш авлод таълим-тарбияси, изланиш ва салоҳиятларини оширишга муносиб ҳиссасини қўша олган олима. Унинг илм соҳасида олиб борган изланишлари, чоп этган монографиялари, услубий қўлланма ва илмий мақолалари бугунги кунда соҳа юксалишига хизмат қилмоқда.

Александранинг умр йўлдоши таниқли ношир, ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Борис Пакнинг кўплаб давлатларда чоп этилган топишмоқ-эртаклари, публицистик мақола ва ҳикоялари бугунги кунда 15дан зиёд тилларга таржима қилиниб, ўз ўқувчиларини топган. Шеърлари эса М.Мураделли каби машҳур композиторлар томонидан куйга солиниб, жаҳон саҳналарида жаранграмоқда. Бугунги кунда унинг «Мовий гумбаз», «Жанубий Африка овози», «Жаҳон поэзияси ва шеърият», «Мусиқали дақиқалар», «Чўпчагим-чўпчак» ҳамда яқинда чоп этилган «Вақт сизни кутиб турмайди» номли сайланмалари дунё юзини кўришга муяссар бўлган.

Бу икки зиёлининг ҳаёт йўлини бошқаларга ибрат қилса арзийди. Уларнинг машаққатли меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Борис Пак «Дўстлик» орденига, Александра Ким эса профессор унвонига муносиб кўрилгани бунга ёрқин мисолдир.

«Қуш уясида кўрганини қилади» дейилган гап тўғри. Илм-маърифатга ошно, қалби зиёга муштарак оилада тарбия топган фарзандлар ҳам ўзига хос салоҳият ва иқтидор эгалари бўлиб етишди.



Тўнғич қиз — Эола эндиликда дунё миқёсидаги таниқли бастакор. Ўнлаб бадиий ва қирқдан зиёд мультфильм, юздан зиёд ҳужжатли фильмларга мусиқа басталаган. Кўплаб танловлар совриндори. Ҳозир Сеулда яшаб, ўзбек мусиқаси ва санъатини хорижда тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Эллина Пак Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида, шунингдек, Чайковсий номидаги Москва давлат консерваториясида таҳсил олиш бахтига эришган салоҳиятли скрипкачи. У 6-синфдалигидаёқ скрипка чалиш санъатидан республика танловида биринчи, Ригада ўтган халқаро фестивалда фахрли иккинчи ўринни қўлга киритган. Кейинчалик Европа скрипкачилар 7-мусиқа фестивалида лауреат бўлган. Айни пайтда Бельгиядаги Санъат университетида классик скрипка санъатидан ёшларга сабоқ бермоқда. Иолатно ҳам Маданият институтини битириб, ёшларга зиё тарқатишдек савобли касбда фаолият юритмоқда. У Тошкент давлат консерваторияси кутубхонаси раҳбари.

Қалбида илм машъаласи доимо мавжланиб турган бу икки нуроний замондошимиз фарзандларининг ютуқларидан мамнун бўлиб яшамоқдалар. Ўтган умрдан шукроналик ҳислари уларнинг ҳаёт мазмунига айланган. Бу ҳис, бу туйғу, бу фахр уларнинг умр йўлларини ёритмоқда.

**Марям АҲМЕДОВА**

Нуқтаи назар

# “Бу ёруғ оламда Ватан биттадир...”

“Шу жонажон юрт фуқароси сифатида миллий тилимизнинг қадри йўлида нималар қилмоқдамиз?” деган савол хаёлимдан ўтар экан, ўзбекона андиша лоп этиб рўпарамда пайдо бўлади. Кўп миллатли Ватан бўлганимиз учун ҳам миллий мавзуда гап кетса, ўзимиздан аввал бошқа миллат вакилларининг кўнглини ўйлаймиз, бошқалар нотўғри тушуниб қолмасмикан, деган андишага бориб бағрикенглик қиламиз.

Ўзбекистоннинг мамлакат сифатидаги мавқеи миллатнинг бахт-саодатига, юртимизни Ватан тутган барча эл-элатларнинг фаровон турмуш, яшаш ва ишлаш саодатига қаратилган. "Ватанни севиш" деганда онгимизда "Ўзбекистон умумий уйимиз!" туйғуси ўз устуворлиги билан намоён бўлади.

Ватан деганда, аввало, ҳар ким ўзи туғилган жойни эслайди ва шу Ватан ҳақида тасаввур берувчи миллий рамзлар — Давлат тили, Байроғи, Герби, Мадҳияси, Миллий пули кўз олдига келади. Рамзлар миллий ифтихорга айланади ёки бошқача айтганда, инсон фитратидаги миллий ғурур ботинан Ватан рамзлари билан чамбарчас боғланган бўлади. Доим ҳам юзага чиқавермайдиган бу туйғу, кутилмаганда ўзини намоён қилиши мумкин. Мисол учун, дейлик, сиз чет элдасиз, катта майдонда жаҳон халқларининг байроқлари ҳилпираб турибди. Кўзингиз беихтиёр Ўзбекистон байроғини қидиради, унга кўзингиз тушганида бошқача тўлқинланиб, ғайри бир ҳис оғушида жунбушга келасиз. Ўзга юрт ҳар қанча бой ва гўзал бўлмасин, содда ва бағри муҳаббат ила лиммо-лим уйингиз, она қишлоқнинг чангли, ғуборли кўчаларини соғинаётганингизни ҳис қиласиз.

Инсон миллатпарвар бўлиши учун, аввало, оилада миллий руҳда тарбия топиб, инсонпарвар жамиятда камолга етмоғи керак. Бу — ҳаётий тажрибаларимга асосланиб чиқарган хулосам. Сўзим исботи учун ҳаётий мисол келтирсам. Бир куни шошилиб, кўчадан такси ушладим. Такси олд ойнасида АҚШ байроғининг акси туширилган ҳаво тозалагич (дезодарант) осилиб турарди. Ҳайрон бўлдимда, ҳайдовчидан "Бу нима?" деб сўрадим. "Дезодорант", деб жавоб берди у. "Суратни айтаман, юлдузлар қайси давлат рамзи эканини биласизми?" — дедим яна. "Ҳа", деди у ва ҳатто рамзнинг кимга тегишлилигини билганидан фахрланган каби жилмайиб қўйди. Мен яна: "Унинг ўрнига ўзимизнинг рамзлардан оссангиз бўларкан..." дедим ўсмоқчилаб. Ҳайдовчи кулиб уни олиб қўйди.

— Менинг гапимга шундай қилдингизми? — сўрадим яна суҳбатни давом эттиргим келиб.

— Йўқ, опа. Ростдан ҳам нима кераги бор. Тўғрисини айтсам, бирдан оғирлашиб кетгандай бўлдим. Буни қаранг, тагини ўйламай, ялтираган нарсага ёпишаверамизда, ростдан ҳам бошқа мамлакат байроғининг бизга нима алоқаси бор, деб ўйлаб қолдим, — деди йигит ёришиб.

Жамоат транспортларида бундай ҳолатларга ўзингиз ҳам кўп бор дуч келгансиз. Ҳар хил бегона рамзлар туширилган суратларни биров билиб, биров билмай безак учун осиб олади, кўйлак, шапка, майка кабиларни кийишку замонавийлик белгисига айланди. Чет давлат байроғи акси туширилган дуррачаларни бошига танғиб олган қизларни, болаларининг бошига танғиб қўйган ёш оналарни кўрганимда индамай ўтолмайман. Ўз Ватанида "бегона байроқни бошга кўтарувчилар"га бу қилмиши билан ўз юртига бепарволик, меҳрсизлик, қолаверса, ўз-ўзига беҳурматлик кўрсатаётганини тушунтиргим келади. Зотан, Мустақилликдек олий неъматнинг қадрига етишимиз керак! Ватан рамзларини билиш ва уларга бўлган севгида имон нури, киндик қони томган тупроққа бўлган муҳаббат мужассамлигидан Ватанни севмоқ имондандир, дейишади. Демак, Ватан севгиси орқали Аллоҳ муҳаббатига эришилар экан. Бошқача айтадиган бўлсак, имон дегани Ватанни, Яратгувчини танимоқ, севмоқ деганидир.




Ҳар ким ҳар нарсадан маънавий озуқа олади, ҳар кимнинг бир хоббиси бор. Менга қолса айтардимки, хобби ўз йўлига, гап одамнинг қалб бойлигидадир. Маънавий бой инсоннинг Ватанга муҳаббати онага муҳаббати кабидир. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ёзганларидек:

*Бисёр бўлса агар*
*бол ҳам беқадр,*
*Такрор айтилганда*
*рангсиздир калом.*
*Бу ёруғ оламда*
*Ватан биттадир,*
*Биттадир дунёда*
*Она деган ном.*

Шундай экан, қандай инсон ўзининг кўринишдан хокисор, содда, камсуқум онасини бошқа бировнинг бой, башанг, олифта онасига алмаштириши мумкин?

Инсон табиатан моддий фаровонликка интилади. Яхшироқ яшагиси келади. Аммо чет элпараст айрим инсонлар ҳатто фарзандлари ва невараларининг ривожланган хорижда таваллуд топишини, ўша юртнинг фуқаролигини олишини шараф биладилар.

Жаҳондаги барча ривожланган давлатлар, халқлар ўтиш даврини бошдан кечиргани тарихдан яхши маълум. Корея Республикаси халқининг матонатли ҳаёт йўли ҳақида кўп эшитганмиз. Яқин тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, масалан, айримлар пул топиш учун Россия ва бошқа чет элларга иш излаб, кучини сув текинга сотаётгани каби бир пайтлари корейслар ҳам Япония ва бошқа жойларда машаққатли ҳаётни бошдан кечиришган. Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг "Мўъжиза содир бўлмайди" китобини ўқир эканман, китоб менда Ватанни севгувчи инсонлар ёдига ўрнатилган олтин ҳайкал сифатида жуда катта ва ёрқин таассурот қолдирди. Ли Мён Бак каби раҳбарлари бор мамлакат тақдир синовларида йиғлаб-сиқтаб қолиб кетмайдилар, уларнинг ҳаётга бўлган ишончлари бир тан, бир жон каби бирлашиб кетганини кўрасиз. Во ажаб!

Аллоҳ инсонларни беҳудага миллат ва элатларга ажратмаган. Уларга шунчаки ўйин учун бири биридан фарқли тил бермаган, манзил ва мақомлар белгиламаган. Ўзликни англаш, миллий, диний қадрият тушунчаси, аввало, инсоннинг ўз Ватани, туғилган жойи, аждодларимизнинг абадий манзили — она тупроққа бўлган севги ва эътиборида намоён бўлади.

Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига 20 йилдан ошганига қарамай, паспортларимизнинг прописка варағидаги муҳрда "Сирғали тумани" деб битилган сўз автобуслар пешанасига ҳамон "Сергели" деб ёзилганича қолиб кетмоқда. Магазинлар ва фирмаларнинг номларига эътибор қилайлик, аллақандай мексиканча, итальянча, европача номлар... Авваллари дўкон дердик, эндиликда маркетларга ўтдик. Ким янги маркет очса, пешанаси ёки деворида (уч фоиз русий забон халқ яшамайдиган жойда) "Мы открылись!" каби чақириқ ва эълонлар, гўзаллик салонлари деган жойларда ярим яланғоч хонимларнинг одам бўйи суратлари ва русча чорловлар. Хўш, борингки, ўн, йигирма фоиз русийзабон аҳоли яшаган тақдирда ҳам "хлеб" эмас, "нон" деб ёзилса, ўшани қардошларимиз ўқиша олмайдими, норози бўлишмаса керак? Мана буниси эса ҳаммадан ошиб тушади: "битта ҳам инглиз яшамайдиган маҳаллада дўкон пештоқида: "NEW LIFE" деган ёзувга нима дейсиз?", деб таниш талабадан сўрасам, у "янги ҳаёт" дегани", деб жавоб берди. Ё тавба, шуни ўзбекча ёзса ҳам бўларкан-ку. Қайтанга чиройлироқ жаранглар экан.




Бир ишбилармондан "Нега фирмангизнинг номи бунча ғалати, ўзбекчароқ ном қўйсангиз бўлмайдими?" деб сўрадим. У: "Масалан, қандай ном?" деди. Масалан, "Мустанг" демасдан "Оқ тулпор", "Човкар", "Ғиркўк", "Қоракўз", "Учқур" каби отларимизнинг миллий номлари, "Смак" ўрнига "Мазза!", "Роҳатижон", "Оҳ-оҳ!" каби номлар, хуллас, атайман десангиз, Ўзбекистонда ном йўқми?

— Гапингизда жон бор, — деди суҳбатдошимиз, — аммо шу чет эл билан борди-келди, муносабатларда сал жарангдорроқ исм керакда. Ҳалиги, Эшмат ота, Тошмат ота фирмалари дегандан кўра, "Муза", "Эльбрус", "Контингент", "Орёл", "Алгоритм", "Нобель", "Атрибут", шунга ўхшаш исмлар яхшида...

Бу ишларнинг барчаси давлат тилининг моҳиятини англаб етмаганликдан келиб чиқиши ҳақиқат. Миллат тилини улуғлаган ишбилармон, менимча, "Мы открылись"га ўхшаган рекламалар ўрнига фахр билан: "Марҳабо, хурсанд бўласиз", "Биз иш бошладик", "Бир кириб ўтинг!", "Кирмаган армонда..." каби такаллуфлар ила харидорини чорлаган бўларди.

Ҳулоса ўрнида шуни таъкидлашни истардимки, ўз қадриятларимизга алоҳида ҳурмат, эътибор билан қарасак, ўзлигимизнинг ҳам қадри шунчалар баланд бўлади.

**Раъно РАҲМОНБЕРДИ қизи,**
**Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси**

Билмаганни билган яхши

## Ишончнома бера олмайсиз

***— Ўғлим 17 ёшда. Унга ўз машинамдан фойдаланиш учун ишончнома беришим мумкинми? Умуман автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни расмийлаштириш тартиби қандай?***

**Анвар Сориев**
Тошкент вилояти

Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар нотариал тартибда тасдиқланиши шарт.

18 ёшга тўлмаган шахсларга автомототранспорт, 16 ёшга тўлмаган шахсларга эса автомототранспорт воситалари ишончномаларини расмийлаштиришга йўл қўйилмайди. Ўғлингиз 17 ёшда эканлигини инобатга олсак, сиз унга ўз автомашинангиздан фойдаланиш учун ишончнома расмийлаштира олмайсиз.

Яқин қариндошларга автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишончномаларни нотариал тасдиқлаш чоғида энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари, бошқа шахсларга эга энг кам ойлик иш ҳақининг беш ва ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Шунингдек, Ўзбекистон истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, автомототранспорт воситалари билан боғлиқ суиистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида юртимизда ишлаб чиқарилган расмий диллерлардан харид қилинганига бир йил кўп вақт бўлмаган енгил автомототранспорт воситалари (шунингдек, Ўзбекистон Республикасига хориждан олиб келинган, уларни импорт қилиш (олиб келиш) санасидан бир йилдан кам муддат ўтган янги (ишлаб чиқилганига уч йил тўлмаган) енгил автомототранспорт воситалари)дан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишончномаларни тасдиқлаганлик учун давлат божи ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида ундирилади (яқин қариндошларга бериладиган ишончномаларни тасдиқлаш бундан мустасно).

Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар тегишли ДЙҲХХ органларида 10 (ўн) кун муддат ичида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилиши шарт. Мазкур талабни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишга олиб келади. Бу ҳақда нотариус томонидан ишончнома матни ва тасдиқ ёзувида алоҳида қайд этилади.

**Саволга Зангиота туман ДНИ нотариуслари Дилбар АБДУРАЗЗОҚОВА, Умиджон ЖАМИЛОВ жавоб берди.**

## Мажбурий улуш

***— Қонунчиликда васият қилувчининг эркини чегараловчи меъёр борми?***

**Д.Халилов**
Қарши шаҳри

*Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечтаси ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилиши мумкин. Лекин амалдаги қонунчилигимизда васият қилувчининг эркини чегараловчи меъёрлар ҳам мавжуд. Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси талабларига кўра, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз болалари (шу жумладан, фарзандликка олган болалари), шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз эри (хотини) ва ота-онаси, васиятнома мазмунидан қатъи назар, уларнинг ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.*

## Ишдан бўшатиш нафақаси 3 ойгача берилиши мумкин

***— Корхонамизда ишлаб чиқариладиган товарларнинг сони кўпайди. Шу муносабат билан менга бошқа вазифани таклиф этишди. Лекин мен бу таклиф маъқул бўлмаганлиги сабабли рад этдим. Шу каби ҳолларда иш берувчи томонидан ишдан бўшатиш нафақаси қанча муддатга берилади?***

**М.Азизхонов**
Қарши тумани

*Агар ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни рад этса, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Шунингдек, ходим меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида маҳаллий меҳнат органида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинса, меҳнат органи берган маълумотнома асосида учинчи ой ҳам олдинги иш жойидан ўртача иш ҳақи миқдорида нафақа пулини олиш ҳуқуқига эга.*

## Махфий васиятноманинг махфийлиги нимада?

***— Амаким махфий васиятнома расмийлаштиргани ва унда менга ҳам баъзи нарсаларни мерос қолдирганини айтди. Агар, амаким қолдираётган мерос ҳақида фақат ўзимга маълум қилса, васиятноманинг махфийлиги йўқоладими?***

**Э.Шокиров**
Қарши шаҳри

*Васиятнома ҳам бошқа нотариал ҳаракатлар сингари сир сақланиб, уни ошкор этиш тақиқланади. Кейинчалик васият қилувчи томонидан васиятномага ўзгартиришлар киритилиши, бекор қилиниши мумкин. Лекин бу ҳам албатта сир сақланиши керак. Ҳатто хизмат тақозоси билан васиятномадан хабардор бўлган шахслар ҳам уни ошкор қилишга ҳақли эмас.*

*Васият қилувчининг хоҳишига кўра нотариус васиятномани унинг мазмуни билан танишмаган ҳолда тасдиқлаши мумкин. Бундай васиятнома махфий васиятнома дейилади. Махфий васиятнома васият қилувчи томонидан ўз қўли билан ёзилиб, шахсан имзоланиши шарт. Бу васиятнома нотариус ҳамда икки нафар гувоҳ иштирокида конвертга солиб елимланади, конвертга гувоҳлар имзо қўйиб, ўз исм-шарифларини ва доимий яшаш манзилларини ёзиб қўядилар. Ушбу конверт гувоҳлар ва нотариус иштирокида бошқа конвертга солиниб, елимланади.*

*Юқоридаги ҳолатда васият қилувчи ўз иродаси билан васиятномаси ҳақида қариндошига маълум қилган бўлса ҳам, васиятноманинг махфийлиги йўқолган деб ҳисобланмайди.*

**Саволларга Қарши шаҳридаги 1- ва 2-сон ДНИ нотаруслари Раъно ЎНГБОЕВА, Санобар УМАРОВА ва Темур ХЎЖАМҚУЛОВ жавоб берди.**

Мабодо одам боласи ўз Яратувчисининг мезону тақиқларини писанд қилмайдиган даражада ҳаволаниб кетган тақдирда ҳам бир пиёла иссиқ сув ё бир тишлам нонни хотиржам истеъмол қилиш истаги орзусидан воз кеча олмайди. Боқий қадриятларнинг гувоҳлик беришича, ана шундай буюк фароғатни кишига фақат оила муҳити берар экан.

Гапни бу даражада баланд пардада олишимизнинг боиси бор.

**9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун**

# Темурийлар қудрати — уларнинг оиласида эди

Тарихимиздаги улуғ сиймолардан бири Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳали жамоатчилик тўла тушуниб етмаган ва эътироф этмаган оиласи борасида айрим жиҳатлар мавжуд. Одми қилиб айтганда, Амир Темур инсоният чаманзорида қўр тўкиб турган азим дарахт! Бу дарахтнинг томири теран, шохлари тарвақайлаб кетган, сояси узоқ-узоқларга тўшалган, сумбатини олислардан кўриб туришади, паноҳига интилишади...

Яқинда нашр этилган "Соҳибқирон абадияти" китобида бобомизнинг ўғиллари — Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо (1356-1376), Умаршайх Мирзо (1356-1394), Мироншоҳ Мирзо (1366-1408), Шоҳрух Мирзо (1377-1447) авлодларини худди синф журналидаги ўқувчилар рўйхатидек кетма-кет ёзиб чиқдим. Дунё тан олганлари 198 нафар. Уларнинг ҳар бири қайсидир хизмати билан ўз даврида ном қозонган. ҳозир ҳам эсланади. Аслида гап бу ҳақда ҳам эмас. Гап шундаки, китобнинг олти саҳифасини эгаллаган бу ёзувлар замирида қанчалар синоатлар яширинган? Шу ҳақда ўйланса, юрак ҳаприқади, вужудни бемисл ифтихор ҳисси чулғаб олади. Ана шу муҳташамликка дахлдорликдан бошинг кўкка етади.

Агар бундай оламшумул музаффариятнинг сабаби нима, деган савол қўйиладиган бўлса, жавоби аниқ: оила. Ҳеч муболағасиз, Соҳибқирон кўз очган, сўнгра фарзандлари дунёга келган, ундан сўнг набиралар ва бошқа зурриёдлар туғилган бешик, яъни оила чинакамига муқаддас бўлган.

Маълумки, инсон ақли ожизлик қилиб қолганда "Бу ёғи Аллоҳдан" деган ибора ишлатилади, яъни ўзимиздан ташқари тушунчаларни илоҳийликка боғлаб қабул қиламиз. Соҳибқирон тарихини битган муаррихлар ҳам ул зотнинг дунёга келишини илоҳий ҳодиса, деб шарҳлайдилар. Бундай руҳ, ёндашув, айниқса, халқ китобларида жуда бўртиб туради. Масалан, Салоҳиддин Тошкандий қоғозга туширган "Темурнома" ("Чўлпон", 1990) китобида Бухоро садр аш-шариаси (яъни Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Маҳбубий) "... дарс айтиб ўлтурур эдилар, бир қаландар келди. Айди: "Такина бегим Моҳ деган қизни куёвга беринг, андин бир ўғул туғиладур, ани жаҳонгир ва соҳибқирон дерлар" тарзида қайд қилинади. Шундан кейин ҳали куёвхонтўра кимлиги аниқ бўлмай, тўй тадориги бошланади. Кешда эса бошқа бир синоат воқе бўлганди: қўй суруви ичида ўралашиб қолган бир оҳу сайёдга тутқич бермай, қочаверади-қочаверади ва Бухорои шарифга йўл бошлайди. Шундай қилиб, илоҳий никоҳ тузилади, орадан ойлар ўтиб, саодатли айёмда бахтли чақалоқ дунёга келади. Бу гўдак атрофидаги қавми, борингки, инсоният асрлардан бери кутаётган халоскор эди. Қолаверса, унинг туғилганини олис Мағрибдаги алломалар ҳам қайд этгандилар (Валиуддин ибн Халдун бу ҳолни қайд қилиб ўтган).

Албатта, асил зотнинг дунёга келиши бир шов-шув бўлса, унинг тарбияси, камолга етиши шундан кам бўлмаган воқеа. "Зафарнома" китоби муаллифи Шарафиддин Али Яздий Темурбекнинг дунёга келиши эзгуликнинг тантанасига хизмат қилишга амр этилганини шарҳлаб қуйидагича ёзади: "...ҳазрат Соҳибқирон шундай бир мулк (подшоҳлик, ҳукмдорлик) эгасидирки, у фаришталарнинг Аллоҳга мурожаат қилиб, "Бузуқчилик қилувчи ва қонлар тўкувчи кимсани яратасанми?" саволига жавобан Парвардигорнинг "Мен ерда бир халифа (ўринбосар, вакил) яратаман" деган иноятига каромат қилинган сарвар (етакчи, йўлбошчи)дир. Унга ўзининг олдиндан билиш ва кўриш фазилати туфайли баҳри барр (сувлик ва қуруқлик)да эгалик қилишга қудрат берилган". Соҳибқирон тийнати ва фитратида яширинган ана шу оламшумул қудрат ҳазратнинг ўз фаолияти ва авлодларининг саъй-ҳаракати билан намоён бўлди.

Шубҳасиз, "Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда?" деганларидек, ато этилган истеъдод шунга мувофиқ улкан ҳаракат бўлмаса, ўз асрорини намоён қилмайди. Зеро, "ҳаётнинг асоси — ҳаракатдир" (Афлотун). Аслида, пинҳон мўъжизани юзага чиқара олиши билан шахс ўзини намоён этади. Бу жараённинг қирралари кўп, қолаверса, инсоншуносликнинг жами илмлари шу муаммо устида бош қотиради ва ҳамон охирги тўхтамга келинмаган.




Соҳибқирон Амир Темурдан тарқаган икки юз нафарга яқин шаҳзода ва малика инсоният маънавий тамаддунида у ёки бу даражада из қолдирган экан, бугун бетимсол шараф ҳиссини яна бир туйиш учун буюкликка эришиш асрорларини навбатга қолдириб, ўша ёруғ юлдузларнинг ўзини эслаб ўтайлик. Негаки, ўрта асрлар мезони билан воқеликка баҳо бериб ўрганган маърифат дунёси ҳозиргача ана шу оддий тарихий ҳақиқатни ҳам истисно қилиб келди. Фақат бир шахс, унинг амаллари ҳақида сўз юритиб, зурриёдлар, уларнинг оламшумул ишлари ҳақида гапирганда бобокалонни эслатмай ёки эсламай муносабат билдириш тамойили қарор топганди. Ахир, бутоқни танадан айириб бўлмаганидек, уларнинг зуваласига буюклик гардини юқтирган зотни эсламай, бор ҳақиқатни тўлиқ тушуниб бўлармиди? Яқин-яқинларгача хат таниган одамларнинг кўпи Мирзо Улуғбек ҳазратнинг набираси бўлишини ёки Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Темурийлардан эканини билмас эди. Ҳолбуки, Соҳибқирон айнан 1394 йил 22 мартда туғилган набирасига алоҳида меҳр кўрсатган, уни ардоқлаб отаси Муҳаммад Тарағай исмини нисор этган эди (суюкли набиралардан бирига отанинг исмини қўйиш ҳозир ҳам таомилимизда бор). Қолаверса, ўша пайтда жанубий ҳудудларнинг бош шаҳри бўлган Султонияда амирзода Шоҳрух Мирзо оиласида дунёга келган зурриёдининг хушхабарини бахтиёр бобо ўзгача хурсандлик билан кутиб олган, Мордин қалъаси фатҳида таслим бўлган жами асирларга эмну омонлик ҳадя этганди. Кейинчалик ҳам ҳазрат шу набираси тарбиясига алоҳида эътибор қилди. Уни улуғ малика — Сароймулкхоним ихтиёрига берди, ҳар жиҳатдан камолга етиши учун отабеклару саркардалар, уламою фозилларнинг энг етукларини масъул қилиб қўйди. Юришлар давомида ўлжалар қаторида китоблар шу фарзанд учун алоҳида сараланди, улар пойтахт Самарқандга жўнатиб турилди. Натижада Мирзо Улуғбек учун дунёдаги энг бой кутубхоналардан бири барпо этилди. Ҳали тўрт ёшга тўлмаган болакайни бу ажойиб юрт билан таништириш учун Ҳиндистон сафарига олиб кетди. Ўтрордаги сўнгги лаҳзаларда ҳам бу дилбанд ёнма-ён эди. Албатта, кейинчалик 40 йил тахтни бошқарган ҳукмдор, жаҳондаги саноқли буюк олимлардан бирининг муваффақиятларида бундай ғамхўрликларнинг салмоқли ўрни бўлгани шубҳасиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 47 йиллик қисқа умри давомида шунчалик саргузаштларни бошдан ўтказди, шеъриятда ва илмда шунчалик улкан ютуқларни қўлга киритдики, дунё аҳли ҳамон у эришган ютуқларнинг тагига ета олмайди. Катта бир империяга асос солган (у Ҳиндистон заминида тўрт асрга яқин яшади), ўзи янги алифбо яратиб, ҳатто Қуръони каримни унда кўчиртирган, бетимсол ҳарбий ислоҳотчи бўлган зотнинг вақт ўлчовини яратгани, мевали дарахтларни маҳаллийлаштиргани ва бошқа амаллари бир тараф, "Бобурнома"дек шоҳ асар яратгани бир тараф. Илм аҳли ҳамон бунчалик салоҳиятли ва самимий мемуарни билмайди.

Агар бу рўйхатни давом эттирадиган бўлсак, шубҳасиз, илм-маърифат ҳомийси, ўзлари ҳам олим ёки шоир бўлган буюк ҳукмдорларни эслашга тўғри келади. Самарқанд ва Хуросон тахтини узлуксиз 50 йил бошқарган Шоҳрух Мирзо ҳар жиҳатдан ота — Соҳибқирон меҳрини қозонди (видо айёми — Ўтрорнинг қорли тунини эслайлик. Ҳазрат зурриёдларидан фақат уни қумсайди: "Магар фарзанд Шоҳрухниким, бу замонда уни кўрмадим"). Унинг даврида Хуросон давлати фан-маданият гуллаб-яшнаган фаровон ўлкага айланди, бу давр кўплаб буюк зотларга она бўлди. Худди шунингдек, Ҳиндистон тарихида ёрқин из қолдирган Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ (1542-1605) 51 йиллик ҳукмдорлиги давомида бу мамлакатни бир байроқ остида бирлаштирди, барқарор тараққиётни таъминлади. Унинг ҳукмронлиги Бобурийлар сулоласи ойининг тўлишган йиллари бўлди.

Темурийлар ҳақида гап кетганда, жаҳон тарихида камёб ҳодиса — бу сулола вакилларидан оқила, тадбиркор, илм-фан ва санъат ҳомийси бўлган кўплаб улуғ аёллар етишиб чиққанини эътироф этиш лозим. Уларнинг фарзанд тарбияси, оилани бошқариш, ҳатто давлат ишларидаги иштироки беназир бўлган. Таржимаи ҳоллари ақлни лол қолдирадиган тарзда воқеаларга бой. Зебуннисобегим (1639-1702) даврининг етук алломаларидан таълим олди, шоира, олима, созанда, хаттот бўлиб етишди. Жаҳоноробегим (1614-1681) тахтни бошқаришда отаси Шоҳжаҳонга доно маслаҳатлари билан кўмаклашди, ўзи кўплаб жомеъ масжидлари, карвонсаройлар, боғлар, ариқларнинг барпо этилишида бош-қош бўлди, "Рисолаи соҳибия" китобини ёзди. Гулбаданбегим (1523-1603) нодир шахсияти ва "Ҳумоюннома" асари билан тарихда қолди. Бобур Мирзонинг суюкли фарзанди ҳар жиҳатдан камолга интилди, етти йил азият чекиб, ҳаж сафарини адо этди. Ёки Бобур Мирзо ва Ҳумоюн подшоҳнинг яқин маслаҳатчиси бўлган Хонзодабегим, шаҳзодалар тарбиясида мураббия, ўрни келганда, салтанат юмушларида ўз маслаҳатлари билан қатнашган Сароймулкхоним, шу қаторда турувчи Туман оқа, Улжой Туркон оқа ва бошқа маликаларнинг ҳаёти салтанат тарихида ўз изини қолдирган.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Бир оз олдин кетиб, шу ҳақиқатни қайд этиш керакки, оқ соч тарих ҳали авлодларнинг бунақа олтин занжирини кўрмаган. Энг камида бир вилоятни бошқарган ёки шеърий девон тузган ўнлаб Темурийлар маданият тарихида қолди. Улар билан бугун ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Хуллас, Темурийлар қўлга киритган муваффақиятлар, уларнинг шон-шавкати бу тилсим устида ўйлаб кўришга даъват этади. Албатта, бундай юксакликнинг бош сабаби инсон қобилиятларини юзага чиқарадиган мўътадил муҳит яратилганидадир. Бу юмушнинг бошида, шубҳасиз, ўз қудрати, талабчанлиги, ўрни келганда меҳри ва қаҳри билан Соҳибқирон Амир Темур турганидадир. Ҳазрат тажрибаси ва салоҳияти билан шундай тутумга асос солдики, у неча юз йиллар оша таровотини йўқотмай, асил инсоний фазилатларга доя бўлди, ундан баҳра олганлар тарихда қолди. Яна ўша жўн, бироқ жозибали ҳақиқат ёдга тушади: ҳамма яхшиликлар оилада шаклланган эди.

Эҳтимол, орзудир ёки амалга оширган хайрли ишларининг келажагига комил ишончдир, бобокалон "Темур тузуклар"ида ўктамлик билан шундай деб қайд этган эканлар: "Мамлакатларни фатҳ этувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинки, Тангри таоло даргоҳидан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлоду зурриётим салтанат тахтига ўтириб, олам элларини бошқаргай..." Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди, бунга тарих гувоҳ. Демак, Соҳибқирон ўз йўлининг тўғрилигига аввалбошданоқ ишонган ва бу ҳақиқатни тан олмаслик мумкин эмас. Зеро, унинг исботи учун ўнлаб буюклар саф тортиб турибди.

**Ҳаким САТТОРИЙ**

**Китобхон мулоҳазалари**

# Бебаҳо хазина

Ўлмас асар яратиш учун ижодкорда аввало истеъдод, ҳаётий тажриба, билим, кузатувчанлик, фантазия, қалб ҳарорати, энг муҳими эса бошлаган ишини охирига етказиш салоҳияти, кучли, сабр-тоқат бўлиши керак. Асарнинг юксак бадиийлиги, ҳаётийлиги, китобхонни ўзига боғлаб олиши муаллифнинг юқорида айтилган омилларга қай даражада эгалиги билан бирга, ахлоқ ва одоби, фуқаролик бурчини англаши, ватанпарварлигига ҳам боғлиқ. Муаллифдаги бундай мутаносиблик билан яратилган асардан китобхон завқ-шавқ олади, эзгуликка интилиб ҳалол-пок яшашга, Ватани, халқи бахт-саодати йўлида астойдил меҳнат қилишга ундайди.

Айниқса, тарихий асар яратиш мураккаб жараён бўлиб, у ижодкордан академик билимни талаб қилади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Алининг "Сарбадорлар" асари тарихан шу қадар ҳаққоний, шу қадар ҳаётийки, ўша давр ҳақида бундан 20 йил аввалги тасаввурлар мутлақо чучмал, тузсиз, нақадар ғариб эканлигини мутолаа жараёнида ўқувчининг ўзи эътироф этади. Билим ва хаёлот қудрати заминида яратилган тарихий шахслар, тўқима образлар адиб тасвирида тўлақонли, жонли ва ўқувчининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиш даражасида ўз ифодасини топган.

Роман Эроннинг Сабзавор шаҳридан келаётган Абу Бакр Калавийнинг Самарқанд шаҳрига Кеш дарвозаси орқали савдо карвони билан кириб келиб, "Тун салтанати"га йўлиқишидан бошланади. Ватан озодлиги, адолатли жамият, ҳар жиҳатдан тенглик, амалдору фуқаронинг қонун олдида баробарлиги, моддий бойликларнинг инсофу диёнат билан тақсимланишини асосий мақсад қилиб олган сарбадорларнинг ғалабаси ва мустаҳкам жамиятнинг қарор топиши йўлидаги ҳаракатлардан иборат воқеалар фожиа билан якунланади. Тарихий ҳақиқат шундоқ эди.

Ёзувчининг бошқа асарлари "Улуғ салтанат" тетралогиясига кирган романларидаги персонажларнинг барчаси билан ҳам китобхон ҳамнафас бўла олади. Муаллиф инсон табиати тўғрисида хилма-хил рангдор тасаввурларни китобхон хотирасига маҳорат билан муҳрлаш санъатига эга эканлигини кўрсата олган. Мазкур асарларда ёзувчининг инсон табиатини чуқур англаши, ҳаётга теран қизиқиш билан қараши ва юксак маданияти асар қаҳрамонлари орқали бор бўй-басти билан кўриниб туради. Абу Бакр Калавийнинг Сабзавор музофотидаги Боштин қишлоғида яшовчи ака-ука Ҳасан ва Ҳусайн Ҳамзалар билан танишуви, кейинги воқеаларда ҳам мутлақо ясамалик, зўрма-зўракилик йўқлиги, табиийликнинг бадиийлик билан сингишиб кетганлиги ўқувчини воқеалар ривожи томон етаклайди.

"Сарбадорлар"да нозик психологик ҳолатлар заргарона таърифланганни асар қимматини яна ҳам оширган. Битта ҳолатнигина келтириб ўтмоқчимиз. Сабзаворда ака-ука Ҳасан билан Ҳусайн уйига бостириб кирган мўғулларга овқат пиширишлари керак эди. Қоронғида Ҳасан товуқ тутиб, гўштини шўрвага солиш учун ҳужрага кириб кетади. Унга ёрдамга келган Ҳасаннинг ёш келинчаги Гулрухсор билан шу ерда меҳмон бўлиб турган ўн тўққиз ёшли Абу Бакр Калавий оғилхона эшиги олдида кутадилар. Ёзувчи Абу Бакр Калавийни инсофли, диёнатли, пок, яхши йигит деб таърифлаб ўтирмайди, балки буни нозик бадиий усуллар воситасида тасвирлаб беради. Зотан, бадиий асар вазифаси ҳам шундан иборат: "Йигит ёнгинасида турган дўндиққина келинчакнинг нафасини сезди-ю, алланечук бўлиб кетди. Тасодифан қоронғиликда иккови танҳо қолишганидан уялиб (*Таъкид бизники — А.Н., А.А.*) вужудига титроқ югурди ва бу аҳволдан қутилиш учун, гарчи зарурат бўлмаса-да, Гулрухсорни оғил оғзида қолдириб, шитоб ичкари юрди..."(Танланган асарлар. Биринчи жилд. Т., "Шарқ" нашриёти, 2011. 103-104 бетлар). Нақадар табиий ҳолат.

Яна бир манзара кишини ҳайратлантиради: романда Темурбек билан Сароймулкхоним образлари ўз ифодасини топган. Ўқувчида худди улар бемалол гаплашиб юргандай таассурот уйғонади. Аслида эса, улар фақат кўз қарашлардагина, хаёллардагина сўзлашадилар. Бутун асар давомида улар бир оғиз ҳам гаплашмайдилар! Ёзувчи сўзсиз, нигоҳлар ифодаси билан уларнинг ҳалол, пок инсонлар эканини кўрсата олган.

Асар қаҳрамонлари ва персонажларининг бир-бирига муносабати, муомала пайтидаги мурожаатларига эътибор беринг: "Эй, феъли нозик", "Эй феъли кенг", "Эй, феъли яхши", "Эй, феъли хунук" жумлалари халқимиз қадимдан ўзига яраша маданият, билим ва тарбияга эга эканлигига ишорадир.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

"Улуғ салтанат" асари Муҳаммад Алининг академик ёзувчи даражасидаги ижодкор эканини кўрсатади. Бу асар мустабид тузум даврида "шу Амир Темур бўлади..." деб бизга тиқиштириб келинган маълумот билан ҳақиқий Амир Темур, унинг қарашлари, бир умр урушлар, тож-тахт талашишлардан боши чиқмай азобда яшаган халққа тинчлик, осойишталик, ободончилик олиб келиш учун умрини тиккан Улуғ Соҳибқирон ўртасидаги фарқ ер билан осмонча эканини англатади. Ўқувчи қўлига етиб борган тетралогиянинг уч китоби Амир Темурни инсон ва юрт эгаси, ота ва подшоҳ, улуғларини эъзозловчи, ўтган азизларни йўқловчи, ёшларга меҳрибон ва талабчан, йўқсилларга Ҳотами Той, душманларига аввало бағрикенг, кечиримли ва ёки агар ўнгри(этаги)ни йиғиштириб олмаса, кейинги дафъаларда уларга нисбатан аёвсиз шахс сифатида таърифлайди.

Ҳар икки романдаги жасур, фидойи аёллар — Абу Бакр Калавийнинг қизи Жаҳонбика, Сароймулкхоним, Хонзода хоним, Соғинчбика ва бошқалар образлари орқали ўзбек аёлларининг сурати ва сийрати ҳақиқатан ҳам гўзаллиги, мард ва қатъиятли, мулоҳазакор, юксак билим ва тарбия эгаси, сабр-тоқатли, вафодор инсонлар сифатида таърифланганидан фахрланасан ва ёзувчининг аёлларга бўлган чуқур ҳурматига тан берасан.

"Улуғ салтанат" тетралогиясининг биринчи китоби — "Жаҳонгир Мирзо"да адиб она Ватан улуғланадиган, Амир Темур матонатини кўрсатадиган ажойиб бир ҳолатни қаламга олади.

Милодий 1376 йил. Соҳибқирон ширин ташвишлар оғушида ўзининг илк набираси дунёга келишини кутмоқда... Келини, валиаҳд шаҳзода Жаҳонгир Мирзонинг рафиқаси Хонзода хонимнинг ой-куни яқин. Лекин шу палла кутилмаганда Жета амири Қамариддиннинг юртга бостириб киргани, Андижондан ҳоким Умаршайх Мирзони қувиб юборгани ҳақида хабар келади. Умаршайх Мирзо Ўш тоғларида сарсон-саргардон юрганмиш. Бирдан валиаҳд шаҳзода, суюкли ўғил Жаҳонгир Мирзо оғир бетоб бўлиб қолади... Ҳаммаси бир пайтда юз беради. Адиб Амир Темурни юрт дарғаси, меҳрибон ота, Ватан ўғлони сифатида унинг ташвишли ўй-хаёлларини жуда ишонарли тасвирлайди. Даставвал кўзи ёрий деб турган келинини, бетоб ўғлини ташлаб кетишга кўзи қиймайди. У — Инсон. Адиб шу мураккаб ҳолатни шундай ёритади: "Лекин шу палла бирдан кўз олдида Андижонда Қамариддиннинг кайфу сафоларга берилган нопок одамлари жонланди... Ҳар ёқни молимардумхўрлар тутган, талон-тарож қилган, талаган... Авомни хор этган, аёлларга қўл узатган, таҳқирлаган... Фавқулодда келган ғазабдан Соҳибқироннинг кўзларига қон қуюла бошлади! ***Ватан баридан муқаддас!*** *(Таъкид бизники — А.Н., А.А.)* Ватандан ёғий изини қириб ташлаш керак. Ҳа, душман изини қириб ташлаш керак!..

Чоршанба куни Турон султони Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари бетоб Жаҳонгир Мирзони табибларга, табибларни эса Аллоҳга топшириб, катта қўшин бошида Самарқанддан жўнаб кетди..." ("Улуғ салтанат", Биринчи китоб. Т., "Шарқ", 2003. 314-бет. )

Соҳибқирон сафарга кетишдан олдин, ой-куни етиб турган келинини аяш мақсадида Сароймулкхонимга, шаҳарнинг бу четидаги "Боғи Нақши жаҳон"да бетоб ётган Жаҳонгир Мирзо ҳақида келинга билдирманглар, жангга кетди, деб айтинглар, дейди. Бу Соҳибқироннинг нақадар меҳрибонлигини, чинакам инсоний фазилат соҳиби эканини кўрсатади.

Муҳаммад Алининг бу асарларини бутун бир жамиятнинг тарихи деса бўлади, улар китобхонга тарихни чуқур ўрганиш имкони орқали ўзликни англаш, ота-боболар юртини эъзозлашни ўргатади. Юксак бадиийлиги ва ҳаётийлиги билан ёшларни ватанпарвар, фидойи, аҳил ва бағри кенг бўлишга, илмга, бунёдкорликка даъват этади.

Шу ўринда мустақилликка эришганимиздан буён халқимизга телевидение орқали дунёдаги турли мамлакатлар халқлари тарихи тўғрисидаги анча-мунча сериаллар тақдим этилди. Уларнинг айримлари ибратли бўлса, қолганлари ўзининг воқеабандлиги билан киши вақтини ўғирлашдан бошқага ярамайди.

Мамлакатимизда бадиий жиҳатдан мукаммал, миллий сериалларни яратиш учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, киноижодкорларимиз "Сарбадорлар" каби романларга ҳам мурожаат қилсалар ёхуд "Улуғ салтанат" тарихий романи ҳам алоҳида йирик сериал учун тайёр мавзу эканлиги, бундай фильмлар, шубҳасиз, халқимиз ва, айниқса, ёшларимиз ўз тарихини, ўзлигини бутун бўйи-басти билан чуқур ва теран ўрганишига, англашига хизмат қилади. Тарбиявий, маънавий-ахлоқий таъсири беназир бўларди, деб таъкидлагимиз келади.

Мақоламиз сўнггида эса ёш авлод қалбида ватани ва халқига садоқат туйғуларини шакллантиришга, бир сўз билан айтганда, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган шундай асарлари учун 70 ёши нишонланадиган ва лекин ҳали кўриниши қиличдек устоз Муҳаммад Алига алоҳида ташаккурлар айтмоқчимиз.

**Абдуваҳоб НУРМАТОВ,**
**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ**

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

# Кўклам соғинчлари

***Сурхон сафарига отланган кунимиз гарчи Наврўз яқинлашиб қолган бўлса-да, Қашқадарёнинг дашту далаларида оппоқ қор ястаниб ётарди. Термизга кириб борганимизда гўё бошқа оламни кашф этгандек бўлдик. Воҳанинг қайноқ меҳрига маҳлиё бўлиб, бодомларнинг қийғос гуллаганига ҳавасимиз келди. Аллақачон ғизиллаб бол ташишга тушган куюнчак болариларнинг бетиним елиб-учишлари қалбимизда баҳорий туйғуларни уйғотди. Баҳорни соғиниб қолганимиз билинди. Анҳорлар бўйида бодраб чиқишга улгурган ялпизларнинг исидан сархуш бўлдик.***



Далаларда қизғин иш бошланган. Тракторларнинг гуриллаб ер текислаётганию деҳқонларнинг ҳузурланиб шоша-пиша ер чопиши боболарнинг «Вақтинг кетди — нақдинг кетди» деган мақолини ёдга солди. Чиндан ҳам вақт кутиб ўтирмайди. Зеро бодомларнинг қийғос гуллагани юртимизга баҳорнинг ташрифидан нишонадир.

Сафар давомида воҳанинг адабиётга ихлоси баланд шеърият шайдолари билан юзлашдик.

Умрини болаларга сабоқ беришга бағишлаган устозимиз Иброҳим Сафаров бизга йўлбошчилик қилди. Сариосиё туманининг 36-, 43-, 45- ҳамда Узун туманининг 3-умумтаълим мактабларида бўлиб ўтган учрашувларда ўқувчиларнинг донолиги, зукколиги бизни лол қолдирди. Уларнинг беҳисоб саволларига жавоб топишга тараддудландик. Сариосиё агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқувчи-ёшлари билан бўлган учрашувимиз ҳам ажойиб кечди. Уларнинг билим олишга, касб-ҳунар эгаллашга бўлган иштиёқига қойил қолдик.

Қумқўрғон туманидаги ёш ижодкорлар клубида бўлган чоғимизда Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими масъул котиби Менгнор Олломуродов воҳанинг бир гуруҳ истеъдодли қаламкашлари билан таништирди. Улар бизга ўзларининг ижод намуналаридан ўқиб беришди.

Юртимизнинг истеъдодли ёшларига ҳеч қачон кўз тегмасин, дея тилак билдирган ҳолда Термиз шаҳрига қайтдик. Баҳор байрами муносабати билан у ерда ўтказилган вилоят хотин-қизлар анжуманида аёлларимизга баҳорий хушкайфият тилаб, ўқиган шеъру ғазалларимиз уларнинг дилида илиқлик уйғотганини ҳис этдик.

Бугун воҳанинг энг чекка қишлоқларида ҳам одамлар қалбида завқу шавқ ўзгача. Тупроғини ардоқлаётган элнинг турмуш тарзи йилдан-йилга ўзгариб бораётгани тобора ободлашаётган гўшалардаги файздан ҳам кўриниб турибди. Далалари каби бағри кенг сурхон одамларининг юртга бўлган чексиз меҳрини кўзларидан англаса бўлади.

**АХТАМҚУЛИ**

Ишқибоз мулоҳазаси

***Бу сафар ҳам мухлисларнинг ишончи оқланмади. Миллионлаб футбол ишқибозларининг умидга тўла нигоҳи телеэкран қаршисида сўнди. Пойтахтимиздаги "Жар" стадионида БАА терма жамоаси билан кечган ҳал қилувчи баҳсда аввал ғалаба, кейин нақд йўлланма бой берилди. Сўнгра, Малайзияда ташкил этилган плей-офф босқичининг биринчи учрашувида фақат омад туфайлигина ғалабага эришилди. Иккинчи ўйинда эса ҳатто дуранг натижа ҳам насиб этмади. Ҳа, футболчиларимиз "тўп сурган" майдондаги аҳвол мана шундай якун топди.***

# Келажакка умид билан боқамиз

"ЎзАС"нинг 8 март сонида "Кўз қўрқоқ, оёқ ботир" деган мақолада жамоаларимизнинг хорижда узоқ вақт тайёргарлик кўришгани, ўртоқлик учрашувларини яхши ўтказишгани, мураббийларимизнинг "режада кўзда тутилган вазифалар тўлиқ бажарилди" деган сўзларига учиб, қолаверса, ҳал қилувчи ўйин ўз майдонимизда кечишига ишониб, албатттa, ғалаба қозонишимизга умид боғлаган эдик. Айни чоғда жиндак ҳадик-хавотир борлигига шама қилиб, хотиржамликка, шошқалоқликка йўл қўймаслик, сўнгги дақиқаларгача мардона кураш олиб бориш даркорлигини ҳам эслатиб ўтгандик.

Дарҳақиқат, хавотирланишга асосимиз бор эди. Ироқ жамоаси билан кечган учрашувдаги кутилмаган мағлубият безовталигимизни оширганди. 14 мартдаги аламли мағлубият эса кейин олимпиячиларимизнинг хорижда, хушҳаво шаҳарлардаги мавсумолди тайёргарлиги лозим даражада олиб борилмадимикин деган шубҳанинг пайдо бўлишига асос бўлди. Очиқчасига тан олайлик, ўша куни уюшқоқлик билан ҳимояланишда, узоқдан кучли ва аниқ зарб бериш, жарима ва бурчак тўпларини қойиллатиб бажариш, тўп узатиш, дриблинг ва бошқа амалларда бўш-баёвлигимиз яққол сезилиб қолди. Ҳатто терма жамоамизнинг Ироқ билан ўйиндан кейин ўз майдонида ҳам бундай қовун туширади деб ўйламаган эдик.

Ўша аламли мағлубиятдан сўнг кўплаб ишқибозларнинг нигоҳи Вьетнамда ўтадиган плей-офф босқичига қаратилди. Аммо футболчиларимиз бу имкониятдан ҳам қуруқ қолишди.

Фикри ожизимча, энди дўппини ерга қўйиб, ортиқча эҳтиросга берилмай, олимпия терма жамоамиз ўйинларини таҳлил қилиш, хулоса чиқариш вақти келди, чамамда. Тўғрисини айтганда, кейинги бири биридан масъулиятли тўрт ўйин футболчилар ҳам руҳан, ҳам жисмонан яхши тайёргарлик кўрмагани, синовли дақиқаларда, рақиб босим уюштирганда ўзларини йўқотиб қўйишлари, довдираб қолишлари яққол кузатилди.

Маълумки, Олимпиада мусобақалари ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилади. Унда қатнашиш ҳар бир спортчининг энг катта орзуси.

Хориждаги узоқ муддатли тайёргарлик жараёнида мураббийлар ўйинчиларнинг техник тайёргарлигига кўпроқ эътибор берилаётгани ҳақида матбуотда такрор-такрор чиқишлар қилинди. Ўйинчиларимизнинг оила муҳитидан ажралиб, узоқ муддат юртлар кезишлари, гўзал шаҳар-кентлар кўришлари, ўртоқлик учрашувлари орқада қолди. Нима бўлганда ҳам миллионлаб мухлислар ишончи уларга қанот бағишлай олмади.

Келинг, аламли мағлубиятлардан фожиа ясамайлик. Келажакка яна умид билан боқайлик. Биз — ишқибозлар ҳамиша сабр-тоқат, умид қилувчи, ютуқларга ишонувчи қавммиз. Спортга, жумладан, футболга мунтазам, катта эътибор бераётган юртнинг халқи ўйинчиларидан фақат ғалабалар кутишга ҳақли.

**Сайди УМИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

Онажоним — табиат

# ҲАДСИЗ КЕНГЛИКЛАРДА САКРА, ОҲУЖОН!

***Фориш тоғларида турнакўз булоқлар жуда кўп. Лекин мен оҳу кўз булоқларни ҳам кўрганман. Нақ жайрон кўзининг ўзи! Мижжаларидан ёш оқаётгандай жилдираб ётади. Суви қубба-қубба бўлиб қайнайди, сал ўтгач, ер бағрига сингиб кетади.***

Оҳу кўз булоқ онамнинг болалигимда айтиб берган эртагини ёдга солади: «Опаси синглисига дебди: "Ичма кийик бўлиб қоласан..." Нега бу эртак тўқилган деб ўзимга ўзим савол бераман. Э-э, гап бу ёқда экан. Қариялар билан суҳбатлашгач, масаланинг моҳиятини англадим.

Ривоят қилишларича, ўтмишда бу жойларда кўплаб кийиклар подаси бўлган экан. Аммо табиатга, экологияга муносабат ўзгариб, тартибсиз равишда овланавергач, уларнинг яшаши учун шароит қолмабди. Тоғларни ташлаб Бухоронинг кенгикларига кетиб қолишибди. Уларнинг энг охиргисини «юлдузни бенарвон урадиган» овчи отиб ўлдирибди. Овчи кийикнинг юрагини мўлжалга олаётганда жонивор тилга кирибди: «Дўстларимнинг ҳаммаси кетиб, ёлғиз қолдим. Болам бор, илтимос, у катта бўлгунча шу ерда қолай. Мени отма!»

Ов ишқи, манфаат дарди билан ёнаётган нобакорнинг қулоқларига гап кирмабди. Тепкини босибди, аммо дайди ўқ кийикнинг боласига тегибди. Онаси жонсиз фарзандини ташлаб тоғу тошларга қочиб кетибди. Унинг изидан тушган овчи ниҳоят мақсадига эришибди. Оҳунинг қони томган жойда эса булоқ пайдо бўлибди. Онабола оҳуларни отга унгариб олган овчи уйига келса, аччиқ йиғи ҳукмрон эмиш. Унинг ёлғиз ўғли дарахтдан йиқилиб ўлган экан. Овчи кийикни отган жойга бориб ўкирибди, дод-фарёд солибди. Бунга жавобан тоғу тошлардан «Сен оҳуни отдинг, табиат сендан ўч олди» деган садо эшитилибди.

Ривоятни тинглаш нақадар оғир. Куйган ердан ўт чиқар, деганларидай бугун бу ерларда сакраб сакраб юрган оҳуларни, уларнинг болаларини кўриб кўксингиз тоғдай юксалади. Ахир, ўтган асрнинг 50-йилларида бу гўзал жониворларнинг охиргиси отиб ўлдирилган эди-да. Республика Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тасаруфидаги «Жайрон» экомаркази фаолият бошлагач, нафақат Форишда, Жиззах, Сирдарё, Зомин, Мирзачўл ҳудудларида ҳам оҳулар пайдо бўла бошлади. Ўзининг чиройли кўзлари билан манаман деган гўзалларни ҳам уялтириб қўядиган, шоирларга илҳом берадиган жониворлар аввалига сунъий йўл билан урчитилди. Эндиликда улар табиий танланиш талаби асосида кўпаймоқда. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашларича, «Қизилқум» давлат ёнғоқзор қўриқхонаси, Китоб давлат геологик қўриқхонаси, Навоий ва Қашқадарё вилоятларининг тоғ ва чўл ҳудудларида кўплаб оҳуларни учратиш мумкин.

Навоий бобомиз ўз асарида шоҳ Баҳром кулон овлаганини ёзади, «Бобурнома» асарида ҳам бу ҳақда қимматли маълумотлар келтирилади. Ҳа, бизнинг ҳудудларимиз ана шундай камёб паррандаю даррандаларга, ҳайвонларга сероб бўлган. Хўш, савол туғилади, яна табиатни асл ҳолатига келтира оламизми? Жойларда олиб борилаётган ишлар, экологик мувозанатни тиклаш учун бажарилаётган самарали ҳаракатлар ўз натижасини берармикан? Бу саволларга ҳар биримиз жавоб беришимиз керак. Агар қалбимизда она-табиатга бўлган меҳр-муҳаббат жўш урса, албатта, бўшлиқ тикланади. Лекин битта истиҳола бор, нафс бандалари қўриқхоналар қўйнига эркин қўйиб



юборилган жонзотларга кўзларини тикмасалар бас...

Самарқанд давлат университети биология факультетида табиат музейи бор. Унинг ходимлари билан суҳбатлашганимда, «Агар одам табиатнинг ишига аралашса, мувозанат бузилади» деган гапни айтишди. Бунга Турон йўлбарсларининг сўнггиси ўтган асрнинг 50-йилларида Амударё қиёқзорларида отиб ўлдирилганини мисол қилиб келтиришди. Ҳозир у қотирилган ҳолатда музейда шиша кўзларини ялтиратиб турибди.

Табиатга бўлган меҳрни ёшликда — боғчадан, мактаб қучоғидан бошлаш керак деган гаплар бот-бот такрорланмоқда. Мурғак қалбларда табиатга меҳр туйғуларни шакллантириш, албатта, ўз самарасини беради. Шунинг учун мактабларда табиат бурчаклари ташкил этилаяпти. Уларда қушлар, ҳайвонлар, ўсимликлар парвариш қилинмоқда. Кишилик жамияти глобал экологик таназзулга дуч келаётган бир даврда табиатни ардоқлаш, унинг бойликларини авайлаб-асраш — инсониятнинг она замин олдидаги улкан қарзидир.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ**

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002 >

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Бобур МУҲАММАДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.15

Адади: 10839 Буюртма — Г-455 1 2 3 4 5